Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси газетаси | 1996 йил, 30 ноябрь, № 47 (87). | Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ

● Яхшилик ва эзгулик ёмонликдан қочгани янглиғ ёмонлик ҳам яхшиликдан қочиб юради.

● Сахийлик — бу (бирор нарсани) бошқа кишига ҳеч қандай ёмонликни ният қилмай ва таъмагирликни ўйламай ҳамда шу нарсанинг қайтарилишига умид боғламай туҳфа қилишдир.

● Олимлик, билим ва касб-ҳунар орқали ҳақиқатга эришасан. Қаердаки сахийлигинг ва қадр-қимматинг ардоқланса, шу ерда сени тан олишади.

● Менинг икки тоифадаги одамларга, яъни бирор нарсага интилмайдиган иқтидорлик одамга ва қобилиятсиз серҳафсала одамга раҳмим келади.

● Инсонга ҳаракатчанлик ва интилиш йўлдош бўлмас экан, қобилиятнинг бир ўзи ғам-аламдан бошқа нарса келтирмайди.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

АҚШ Президенти мактуби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Менинг Америка Қўшма Штатлари Президентлиги лавозимига иккинчи муддатга сайланганим муносабати билан Сиз юборган эзгу ниятли мактубни олганимдан ниҳоятда хурсандман. Сизнинг дўстлигингиз ва қўллаб-қувватлашингиз мен учун катта аҳамиятга эга.

Олдимизда турган тўрт йил мобайнида Сиз билан яқин ҳамкорликдаги ишларимизни давом эттиришдан умидворман. Биз бир-биримиз билан ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашимиз мумкин. Зеро, биз мутлақо хавфсиз ҳамда фаровон дунё қурмоқдамиз.

Самимият билан,
Билл КЛИНТОН.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябрь куни Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялар гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон бош вазири У. Султонов, Бош вазир ўринбосари К. Раҳимов, «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси Қ. Парпиев иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов қадим тарихга эга Грецияни Ўзбекистон аҳолиси яхши билишини, грек муҳожирлари энг оғир йилларда юртимиздан бошпана топиб, халқимиз билан дўстлик, ҳамжиҳатликда яшаб келаётгани хусусида сўзлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Иш ҳақининг энг оз миқдорини ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Унга биноан 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сўм этиб белгиланади.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Москва ва Бутун Рус патриархи Алексей II Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига юртимизда унга кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорчилик мактуби йўллади.

● 26 ноябрь куни Латвия Сейми Раиси Андрис Чепанисининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис Раиси Э. Халилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси парламенти делегацияси Ригага жўнаб кетди.

● Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 26 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалос раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

● 27 ноябрь куни Тошкентда олий ўқув юртлари, малака ошириш муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги иштирокида ўтказди. Унда Ўзбекистон Президентининг янги давр ходимларини тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисида кўрсатмалари асосида таълим соҳасида педагог ходимлар малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Кенгашда Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев нутқ сўзлади.

● 27 ноябрь куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари Б. Шодиева олиб борди.

● Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессияси бўлди.

Унда 130-Янгиер сайлов округидан бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Мазкур сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига вилоят ҳокими У. Исмоилов номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сессияда вилоят ҳокими У. Исмоилов қатнашди.

● Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида чегарачилар ҳаёти билан яқиндан танишиб, юртимиз сарҳадларини, халқимиз осойишталигини қўриқлаётган аскарларга муносиб шароит яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Куни кеча бу ердаги чегара бўлимларидан бири янги бинога эга бўлди. Қисқа вақтда қуриб биткazилган бу бинода чегарачиларнинг маданий-маиший ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган. Бинони фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими Ж. Норалиев қатнашди.

Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифига доир

МУШТАРАКЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Туркманистон Президенти Сапармурод оға республикамизда икки кун расмий ташриф билан меҳмонда бўлди. Куни кеча, жўнаб кетиши олдидан уни ва у бошлиқ делегацияни самимий, оғаларча кутиб олганлиги учун Ўзбекистон халқига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди.

Туркман ва ўзбек халқларини Буюк ипак йўли чорраҳаларида бошланган қардошларча қадимий дўстлик риштлари боғлайди. Бу дўстлик асрлар давомида синовдан ўтди ва ўзининг пўлатдай мустаҳкам эканлигини исботлади.

— Биз бу ерга ўз туғишган оғаларимизнинг ҳузурига келгандай келдик, — деди Дўрмондаги қабул маросимида Туркманбоши. Бу гапларда чуқур маъно бор.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида биз бир — биримиз ҳақида кўп нарсаларни билмас эдик. Бизнинг туркман дўстларимизга буюк Навоийимиз, бизларга эса буюк Маҳтумқулининг номлари ва ижодлари таниш эди, холос. Империя қулаб, ҳар бир давлат ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритгач, бизлар бир — бирларимизнинг жамолимизга тўйиб олиб, бир — биримизни яхшироқ билиш имкониятига эга бўлдик. Бу борада гап кетар экан, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга қилган расмий ташрифини эслаб ўтиш ўринлидир. Бу сафарги Туркманистон делегациясининг расмий ташрифи эса Ашхободда уланган дўстлик риштaларини янада мустаҳкамроқ боғлайди.

Юқорида эслатиб ўтганимиз каби, Буюк ипак йўли бир вақтлар Марказий Осиёда ўзбеклар билан туркманлар орасидаги савдо — иқтисодий ривожига қулай шарт — шароит яратган. Президент Ниёзовнинг сафари эса бу аньанавий алоқаларни янада юқори поғонага кўтариши турган гап.

Ташриф арафасида Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов газета мухбирларининг берган саволларига жавоб қайтарар экан, хусусан шундай деди:

— Туркманистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан алоқалар ҳамиша муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шуниси қувонарлики, ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо — иқтисодий алоқалар барқарор ривожланиш палласига кирди.

Ҳа, ҳозир Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги савдо-сотиқ, хусусан товар айирбошлаш миқдори 50 миллион АҚШ долларига етди. Бундан 22 миллион доллари Туркманистон экспорти, 28 миллиони эса Ўзбекистон экспортига тўғри келади. Туркманистон ўзининг яқин қўшнисига нефть, кимё саноати, шунингдек балиқ ва балиқ маҳсулотлари экспорт қилади. Ўзбекистон эса Туркманистонни саноат моллари, қурилиш материаллари билан таъминлайди.

Маълумки, тўрт мамлакат — Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия иштирокида Сарахс шаҳрида Транскавказ магистралини барпо этиш борасида ҳужжат имзоланди. Мазкур магистралнинг ишга тушиши Ўзбекистоннинг ҳам, Туркманистоннинг ҳам кўпгина юк ташиш муаммоларини ҳал қилади. Транскавказ йўли иккала давлат учун ҳам Европа бозорларига янги ва қисқа йўлни очади. Президентимиз Ислом Каримов эса бошқа бир муҳим лойиҳа — Тажан — Сарахс — Машҳад йўлининг очилиши ташаббускорларидан бири бўлди. Мазкур темир йўлнинг ишга тушиши Туркманистоннинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам Форс кўрфазига, иссиқ денгизлар бозорларига чиқишини таъминлайди.

Туркманистон ўз истиқлолининг илк давридаёқ ўз тараққиёт йўлини аниқлаб олган давлатлардан биридир. Бу Туркманистоннинг бетараф ташқи сиёсатини таъминлаяпти. Қўшниларимизнинг ички сиёсати эса тараққиётнинг босқичма — босқич узвий ривожланишига асосланган. Республикада 200 дан ортиқ корхона қад кўтармоқда. Мамлакатда «Барқарор ўн йиллик» деб номланган махсус дастур бор. Унда 1992 — 2002 йилларда мамлакатда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий барқарорликни таъминлаш назарда тутилган.

Туркманистон Президентининг ташрифи давомида ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бугунга қадар Ўзбекистон — Туркманистон ўртасида давлат раҳбарлари даражасида 20 дан ортиқ ҳужжат имзоланган.

Иккала давлат раҳбарлари ўзаро ташрифининг яна бир муҳим жиҳати бор. У ҳам бўлса, маънавий, яъни икки халқнинг ўзаро бир — бирига ўта яқинлиги жиҳатидир.

Ўзбекистонда минглаб туркманлар, Туркманистонда эса ундан кам бўлмаган ўзбеклар истиқомат қилишади. Президентлар Ислом Каримов билан Сапармурод Ниёзов бир-бирлари ила қанчалик яқин дўст бўлсалар, бошқа — бошқа минтақаларда яшаётган халқлар ўзларини шунчалик бахтиёр сезадилар ва кўкракларини баланд кўтариб юрадилар.

Яқинда республика газеталаридан бирининг ёзишича, асосий аҳолиси туркман бўлган Муборак туманининг Қорақум қишлоғи фуқароси Т. Қушвақтов хонадонида бира-тўла учта фарзанд туғилибди. Уларнинг барчаси ўғил экан. Ота-она уларга Исломжон, Абдуғанижон ва Каримжон деб ном қўйибдилар. Вилоят ҳокими бориб, бу оилага Ўзбекистон Президентининг совғасини топшириб келибди.

Ушбу Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманида ажойиб бир инсон яшайди. Исми-шарифи Мамат Жумағулов. Ўзи туркман миллатига мансуб. Деярли йигирма йилдан бери тумандаги Ғафур Ғулом номли қоракўлчилик давлат хўжалигига раҳбарлик қилиб келади. Шу йиллар давомида у хўжаликни йўқдан бор қилди. Тумандагина эмас, вилоятда ҳам энг илғор хўжаликлар даражасига олиб чиқди. Ўзбекистонда ана шундай фидойи туркман йигитлари кўпдан кўп. Ишончимиз комилки, Туркманистоннинг ўзбеклар истиқомат қилаётган минтақаларида ҳам худди шундай оловқалб кишилар кўплаб топилади.

Биз ёшлигимиздан буюк Маҳтумқули Фироғийнинг Комилжон Отаниёзов ижросидаги бири-биридан латиф, бири-биридан серМаъно қўшиқларини завқ билан тинглардик. Ҳозир ҳам тинглаймиз. Кўплаб туркман зиёлилари, шу жумладан Маҳтумқулининг ўзи ҳам Хева мадрасасида таълим олган экан. Шу боисдан ҳам буюк шоирга айнан шу шаҳарда ҳайкал қўйилиши катта рамзий аҳамиятга эгадир. Икки халқнинг дўстлиги қадим тарих қаърига бориб тақалади, дейишимизнинг исботларидан бири ҳам ана шунда.

Икки давлат раҳбарларининг олдинни кўра олишлари, деб қайд этди Туркманистон элчиси юқорида тилга олган мусоҳабада, ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари туфайли ривожига буюк соҳибқирон Амир Темур катта ҳисса қўшган «Буюк ипак йўли» қайта тикланмоқда. Ҳар икки давлат, қолаверса, бутун минтақамиз яқин йиллар ичида ўзининг мустаҳкам куч ва катта имкониятга эга эканлигини намойиш қила олади... Бундай саодатга эришишнинг ягона йўли ҳамкорликдир.

Туркманистон сардорининг Ўзбекистонга расмий ташрифи эса икки халқнинг муштараклиги йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

БОШ МУҲАРРИР.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛИССАБОНГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 декабрь кунлари Лиссабонда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокчилари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этади.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкентда Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульманологларининг IV қурултойи бўлиб ўтди

Қурултойни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов очиб, анжуман қатнашчиларини қизғин табриклади ва ишларига муваффақият тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси А. Убайдуллаев «Ўпка касаллиги ва эпидемиологияси ва унинг олдини олиш, аҳолини замонавий шароит ва усулларда даволаш» мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда кўзга кўринган мутахассис-олимлар иштирокида ўтказилган нуфузли анжуманда қурултойдан-қурултойгача қилинган ишлар ва ечимини кутаётган муаммолар атрофлича кўриб чиқилди.

Сир эмаски, ҳозирги кунда Осиё ва Африка мамлакатларида ўпка касаллиги ва унинг оғир кўринишлари кўпайиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки, бу касаллик аёллар ва ёшлар ўртасида айниқса кўп кўзга ташланаяпти.

Сўзга чиққанлар бу соҳага эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини кўпайтириш ва мутахассислар билан таъминлаш айни пайтдаги энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Қурултой ишида умумдавлат миқёсидаги миллий дастур тузилганлиги маълум қилинди. Дастурга бу касалликка қарши кескин кураш ва келажакда қилиниши зарур бўлган ишлар режаси киритилган.

Анжуман иштирокчилари касалликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Қурултойда «Ф. Хоффман Ля Рош АГ», «Сурхон Аджанта Фарма Лимитед», «Берингер Ингельхайм», «Лек» фирмалари препаратларининг кўргазмалари ҳам намойиш қилинди. Бу препаратлар жаҳоннинг таниқли врачлари ва касалхоналари томонидан қўлланилган ҳамда тан олинган.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
«Адолат» мухбири.

Маънавият



ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

ёки тўй қиламан деб «бели» чиқаётганлар хусусида

Яқин-яқингача биз ўзимизни ерга уриб, ўзга халқлар юртимизга маданият олиб келди, саводсиз эдик, илм берди деб дунёга жар солишга мажбур эдик. Сабаби, юртимиз мустамлака бўлиб, инон-ихтиёримиз ўзимизда эмасди. Аслида ҳам, ҳамиша мустамлака этувчи халқ мустамлака бўлувчи халқни ўз асоратида асраш учун уни тараққиётда ўзидан анча паст даражада тутиб туриш учун курашади. Бу исбот талаб қилмайдиган, минг афсуски, биз амалда бошимиздан ўтказган ҳақиқат.

Шуни ифтихор билан таъкидлаш лозимки, эндиликда халқимиз истиқлолни қўлга киритган омадли халқ. Зукко Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». Бунга шак-шубҳа йўқ. Лекин олма пиш — оғзимга туш, деб қўл қовуштириб ўтираверган билан келажагимиз буюк бўлиб қолмайди. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, республикамизни дунёдаги энг ривожланган, юксак маданиятли (бунга асос ҳам, имконият ҳам етарли) мамлакатлар сафидан жой олишини таъминлаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз лозим. Бундай ишлар эса кўп ва хилма-хил. Аммо юксак даражада ривожланишимиз учун бевосита турмуш тарзимизга боғлиқ бир қатор ишлар ҳам борки, уларга бефарқ қараш, фикри ожизимизча гуноҳи азим.

Шу ўринда ёшлигимда эшитган бир тарихий воқеа эсимга тушиб кетди. Эмишки, қадим замонда бир тараққий этган мамлакатда бидъат ва хурофот авж олиб кетибди. Серчиқим расм-русумлару, дабдабали маросимларни ўтказиш урф бўлибди. Кишилар йиллаб пешона тери тўкиш эвазига емай-ичмай йиққан маблағларини ана шундай ноўрин тадбирларни ўтказишга сарфлайверишибди. Энг асосийси ҳисобланган соғлом авлод учун курашиш, фарзандларга билим бериш, уларни маданиятли этиш каби муҳим ишлар кишиларнинг хоҳиш-истагидан қатъий назар эътибордан четда қолаверибди. Аниқроғи бунга вақт ҳам топишолмабди, маблағ ҳам.

Йиллар ўтиши билан илму маърифат ва маданиятда юксак поғонага кўтарилган бу халқ қолоқлик ботқоғига ботиб кетибди. Аҳолининг илмий-маданий даражаси тубанлашиб, ижодкорлик, тадбиркорлик каби фазилатлари йўқолибди. Табиийки, бундай шароитда маърифат ва маданият масканларини юргизадиган қобилиятли одамлар анқонинг уруғига айланибди. Оқибатда мамлакат билимдонлигу зукколик талаб этиладиган барча лавозимларга, ҳатто давлат органларини бошқарадиган етук одамларга муҳтож бўлиб қолибди. Шунда улар ноиложликдан энг муҳим лавозимларга бошқа мамлакатдан одам ёллашибди. Бу эса мазкур халқ ўз эрк-ихтиёрини хорижликларга қўш-қўллаб топширди, деган гап эди. Амалда ҳам худди шундай бўлибди. Улар ўзлари чақириб келган келгиндиларнинг хизматкорларига айланишибдию, «бошлиқ»ларининг илмий савиясигаю, маданий даражасига ҳавас қиладиган бўлишибди...

Бу фожиали воқеа бутун дунё халқларига, жумладан не-не машаққатлар билан мустақиллигини қўлга киритган бизнинг халқимизга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Ўз-ўзидан равшанки, энди бизнинг жаҳон цивилизациясига етиб олишимиз ва ҳатто ўтиб кетишимиз учун четдан ҳеч ким бевосита халақит бера олмайди. Бас шундай экан, ўз қобиғимизга ўзимиз ўралашиб қолмай, ақл-идрок билан иш юритишимиз, халқаро майдонда тобора юксакроқ мавқеларни кўзлашимиз, бу йўлда тўғаноқ бўлаётган ҳар бир тўсиқни омилкорлик билан улоқтириб ташлаш чораларини кўришимиз лозим. Шу ўринда юқоридаги ривоят бекорга келтирилмаганлигини эслатиб ўтамиз.

Хўш, халқимизни ҳам ортиқча, ҳатто зарарли урф-одатларию маросимлари букиб қўймаяптими? Бу саволга менимча ҳеч иккиланмай худди шундоқ, улардан қачон воз кечамиз, деб жавоб бермоқ даркор. Лекин бу хулоса сиртдан қараганда кўпчиликка эриш туюлиши мумкин. Бироқ ақл-идрок билан чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бу барибир бор гап.

Айрим расм-русумларимиз нафақат ортиқча, балки ўта зарарли ва бунинг устига кулгили ҳам. Аммо ўзимиз унга ўрганиб кетганлигимиз учун ҳам бу ҳақда ўйламаймиз. Гўё шундай бўлиши табиийдек туюлади. Шу лаҳзада ҳурматли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг халқимиз тақдири ҳақида куюнчаклик билан ёзган бир мақолалари эсимга тушиб кетди. Унда мазмунан шундай воқеа тилга олинади: Қадим замонда бир халқда илгари қиз ўғирлаш расм бўлган экан. Агар бирор кишининг бўйи етган қизини бўлажак куёв ўғирлаб, олиб қочмаса уят ҳисобланаркан. Аммо давр ўтиши билан бу урф эскириб, ўрнига замонавий одат тус олибди. Эндиликда бўлажак келин-куёв ўзаро севишиб, аҳдлашиб олишар, уларнинг тўйлари ҳақида ота-оналари ҳам ўзаро маслаҳатлашиб иш кўришаркан. Лекин шунда ҳам қадимги урфдан воз кечолмас эканлар. Қуда-қудағайлар гарчи тўй кунлари олдиндан белгиланган бўлса ҳам қиз ўғирлаш урфини бажо келтиришаркан. Белгиланган куни қизни болохонага чиқариб қўйиб, эшик-деразаларни атайлаб очиқ қолдириб «қиз ўғрисини» хуфёна пойлашаркан. Ярим тунда куёв отда келиб қизни гўё ўғирлаб қочаркан. Эрталаб эса қизларини кечаси номаълум одам ўғирлаб кетганини элга овоза қилиб, ёлғондакам дод-фарёд кўтаришаркан. Орадан бироз вақт ўтгач гўё «ўғри» топиларкану, қиз унга никоҳлаб бериларкан.

Ажабо, деб ёқа ушлайсан киши. Ахир келин-куёв бирга турмуш қуришга келишган, ота-оналар ҳам унга рози бўлишган эрса, ҳатто тўй тараддуди кўриб қўйилган бўлса, қизни хўжакўрсинга ўғирлашга бало борми? Бу ортиқча русумни бажо этишга қанчадан-қанча вақт кетказиб, куч ва маблағ сарфлашга, ҳатто дод-фарёд кўтариб ёлғондакам йиғлашга на ҳожат?..

Бизда ҳам худди шунга ўхшаган ўзимизга сингиб кетган, лекин четдан қараганда жуда ҳам кулгили урфларимиз йўқ эмас. Улар қиз узатишдан тортиб, ўғил уйлантиришгача, суннат тўйларидан тортиб, ўлим маросимларигача ҳаммасида учрайди. Булар менимча халқимиз тараққиётига халақит берадиган тўғаноқлардир. Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу бўлиб, ўзаро баҳслашиб, чуқур муҳокама этишни талаб этади. Биз эса ҳозирча фақат биргина қиз узатиш билан боғлиқ бўлган маросимларимизни Тошкент шаҳри мисолида «таърифлаб» қиссадан ҳисса чиқарамиз.

ҚИЗ УЗАТДИМУ...

Исломдан аввал Арабистонда агар хотинлари қиз туғиб берса чақалоқни тириклай кўмишаркан. Бу ҳақда Ҳазрат Умар (Р. А) шундай ҳикоя қилганлар:

«Бир куни жигарпора қизчамни шу ўз қўлларим билан қабр қазиб тириклайин кўмдим. Мен қизим учун ўз қўлларим билан гўр қазир эканман, у менинг соқолимга сачраган тупроқларни жажжи қўллари билан силаб оларди. Қачон буни хотирласам доимо йиғлайман. Инсониятнинг қандай қоронғу даврларида яшаганимни тушунаман...»1

Эшитса ҳар қандай одамнинг ҳам эти сесканадиган бунақа ваҳшиёна фарзандкушлик жоҳилият даврига тегишли. Исломнинг маърифат зиёлари жаҳолатнинг барча кўринишларини, жумладан, фарзандкушликни ҳам таг-томири билан қуритди. Эндиликда ҳеч ким (агар эси бутун бўлса) фарзандининг жинси қиз бўлгани учун тириклайин кўммайди. Лекин ҳозир ҳам хотинининг қиз туққанини эшитган айрим эркак беихтиёр уҳ, деб юборади. Хўш, нега? Бу саволга жавоб беришдан олдин узоқ йил камина билан бир жамоада меҳнат қилган ҳамкасбим сўзлаб берган воқеани баён қилай. Ўшанда у шундай деган эди: «Ишдан борсам уйимдагилар турмушга узатган қизимнинг касалхонага тушиб қолганини, бу хабарни куёвимизнинг ўзи келиб етказганини айтишди. Куёв касалхонанинг қаердалигини, ҳатто номерини ҳам айтмай, ёв қувгандек қочиб қолибди. Ў-бу олдим-да, касалхонани топиб, қизимизнинг қайси хонага ётқизилганини суриштириб сарсон бўлиб юрувдим, бир танишим учраб қолди.

— Ҳа, ака, нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Узатган қизим касалхонага тушиб қолганмиш. Шуни қидириб... — дейишимни биламан, танишим кутилмаганда «Ҳэ, қиз туққанни...» — деб юборса бўладими! Тўсатдан томдан тарашa тушгандек бўлган унинг бу гапига мен ўзимни йўқотиб анграйиб қолдим. Шунда у қўлидаги қоғоз халтага ишора қилиб:

— Ўзим ҳам худди шунақа, узатган қизимни қидириб юрибман. Куёвхонтўрамиз лоақал касалхонанинг манзилини ҳам айтмабдилар. Қизинг керак бўлса ўзинг топиб ол, деганда, қизталоқ!

— Ие, — дедим ўшанда мен таажжубга тушиб. — Наҳотки куёвларингиз ўз турмуш ўртоқларини касалхонага бориб кўришмаса? Уларнинг ота-оналари-чи, ахир уларга келинлари ҳам қизларидек азиз эмасми?

— Бе, қаёқда, илгарилари — бизнинг давримизда ҳамма шунақа булар эди. Кейинги пайтларда айрим оилаларда келинни гўё қулдек хизматкор деб билиб, унга лоқайд муносабатда бўладилар. Акс ҳолда соғ пайтида керак бўлиб турган қизларимизни касал бўлиб қолса шифохонага олиб бориб ташлаб, бу ёғига ота-онанг хабар олсин, дейишармиди?

— Йўғ-э, наҳотки шу гап рост бўлса?! Ахир, заррача бўлса ҳам инсофу диёнати бор одам ўз келинига шунақа муносабатда бўладими?»

Афсуски, бу аччиқ ҳақиқат баъзилар учун йилдан йилга оддий одатга айланиб бормоқда. Гўё ҳамма нарса қоидага кўра шундай бўлиши керакдек...

СОВЧИЛАР «САВДО»СИ

Не-не машаққатлар-у, не-не орзу ниятлар билан қиз боқиб, уни тайёр дастёр бўлганида бировга қўш-қўллаб топширадию... Келинг, яхшиси масалани аниқроқ тасаввур қилишингиз учун гапни қизли уйга совчи келишидан бошлайлик. Уйингизга кириб келган «совчи»лар қизингиз билан эмас, уй-жойингиз, мол-дунёингиз билан қизиқишади:

— Қизларингизни узатишга тайёрмисизлар?

— Ҳа, энди...

— Ахир мебель-пебел, гилам-пилам дегандек...

Жавобингиздан қизингизнинг сепи жойидалигини сезишса совчи эканликларини айтишади. Аксини англашса, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жуфтакни ростлаб қолишади.

(Давоми 3-бетда).

1. Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. 75-бет. Тошкент «Наврўз» нашриёти. 1994 йил.

● Тўйлар ва ўйлар.

● Дабдабали тўй қилиш шартми?

● Кўрпангга қараб оёқ узат.

● Қиз чиқарганга қирқ йил тегма. Аслида шундайми?

● Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши.

● Бахт тўйлари ҳақиқий бахт тўйлари бўлсин.

Муаллиф МУРОД КАЛОНХОН 1949 йили туғилган. ТошДУ филология факультетини тугатган. «Ёш Ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»), «Қишлоқ ҳақиқати», «Халқ сўзи» газеталарида турли лавозимларда ишлаган. Ҳозир «Муштум» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари. Кўплаб журналистик ва бадиий асарлар муаллифи, қатор танловларнинг ғолиби.

Туркум мақолалари учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотини олишга сазовор бўлган. Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган. «Деворнинг қулоғи», «Истиқлол қўшиқлари», «Истиқлол тонги» китобларининг муаллифи.

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

«БУЮРТМАЛАР ПОРТФЕЛИ»ДА — КИЧИК ТЕГИРМОН

Самарқанддаги қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш заводида ишни «буюртмалар портфели»га қараб ташкил этишга ўтилди. Ҳозир бу ерда қишлоқ ишбилармонлари учун чизеллар, электр қуввати билан юргизиладиган кичик тегирмонлар, ёғоч йўнадиган станоклар, тамаки тойлайдиган пресс қолиплар, қўйинги, ундан ортиқ турдаги янги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу туфайли жамоа иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаб, даромад салмоғини кўпайтирмоқда.

Заводнинг асосий вазифаси, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш булганлиги учун бу соҳада ижодкорлик, изланувчанлик билан иш юритилмоқда. Жумладан, ҳайдов тракторларига ўрнатилган деталларнинг 60 фоизи шу ерда таъмирдан чиқмоқда, ёки қайтадан ясалмоқда. Ҳолбуки, илгари эҳтиёт қисмлар тўлиғича Россия Федерациясидан олиб келинарди. Завод ихтирочи, конструкторларининг дадил таклифлари туфайли аксарият деталларни узоқдан ташиб келтиришга хожат қолмади. Шу тариқа биргина жорий йилнинг 7 ойида буюртмачиларга 15 миллион 320 минг сўмлик ёки режалаштирилганидан ярим миллион сўмлик кўп хизмат кўрсатилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати эса, ўтган йилнинг шу даврига қараганда 120 фоизни ташкил этди.

Ҳозир корхона жамоаси янги буюртмани бажариш устида ишламоқда. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Тахта-қорача довонида ўрнатиладиган ниҳоятда улкан ва ўзига хос меъморий аҳамиятга молик темир дарвоза битиш арафасида турибди. Бу жамоанинг соҳибқирон тўйига совғаси бўлади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.



СУРАТЛАРДА: 4. Корхонанинг пахта териш машиналарининг шпинделларини таъмирлаш цехи ишчиси Каромат Қаюмова. 1. Моҳир чилангарлар Зеври Асанов ва Абдулла Нуриев тайёрлаётган мана бу мини чизеллар фермерларга ғоят қўл келмоқда. 2. Цех бошлиғи Сами Турсунов. 3. Завод техника бўлими бошлиғи Эгамберди Қувондиқов, пайвандчи Евгений Олейников ва ишчи Фахри Салохиддинов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

• Қашқадарё вилояти янгиликлари

ШАРҚОНА УСЛУБДА

Усмон Юсупов тумани маркази — Янгимиришкор қўрғони билан вилоят марказини ва қушни туманларни боғлайдиган асосий йўл ёқасида шарқона услубда қурилган автобекатлар пайдо бўлди.

БОСМАХОНА ЯНА ИШ БОШЛАДИ

Баҳористон қўрғонида босмахона очилди. Саккиз йиллик танаффусдан сўнг уни қайта ташкил этиш осон кечмади, албатта. Чунки бир пайтлар Баҳористон тумани тугатилиши муносабати билан бу босмахона бошқа туман тасарруфига утказиб юборилган ди. Туман қайта тиклангач босмахонани яна қайта ташкил этишга тўғри келди.

КАСБИДА — ТЕННИС КОРТИ

Касби тумани марказида теннис корти қурилиб фойдаланишга топширилди. Уни барпо этишда туман ҳудудида иш олиб бораётган барча қурилиш ташкилотлари қатнашди. Айниқса, 243-механизациялашган кўчма колонна ҳамда «Саҳоват» жамоа ишлаб чиқариш корхонаси бинокорлари ғайрат кўрсатишди.

400 томошабинга мўлжалланган бу янги кортда теннис мусобақалари бошлаб юборилди.

БАНК ИШГА ТУШДИ

Жейнов қишлоғида халқ банки бўлими учун янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Уни 236-механизациялашган кўчма колонна жамоаси қисқа муддатда қуриб битказди. Шундай бинолар Айзабод ҳамда Оқмачит қишлоқларида ҳам қурилди.

Шундай қилиб Усмон Юсупов туманидаги халқ банки шохобчалари сони кўпайиб 12 тага етди.

ЯНГИ БОЗОР

Қуриқ Баҳористон тумани маркази — Помуқ қўрғонида янги деҳқон бозори қуриб фойдаланишга топширилди. 120 сотувчи ўринга эга бўлган мазкур иншоот ҳашар йўли билан барпо қилинди, унинг ҳудудида катта-кичик 20 та савдо дўкони ҳам бор.

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ.

• Феълетон ўрнида

БОШЛИҚ БЎЛСАНГ, БОШЛИ БЎЛ

Яқин-яқинларгача Улуғбек номли хўжалик Арнасой туманининг олди хўжаликларидан эди. Хўжалик ҳар йили пахта тайёрлаш режасини биринчи бўлиб бажарар, мақтов ҳам, мукофот ҳам шуларга эди. Одамлар яхшигина даромад олишар, ҳовлиси тўла кўй-кўзи, сигиру бузоқ, томорқага ружу қўйишмасди. Кейин омад юз ўгирди: кут-барака кўтарилди, қўралардаги моллар камайди, одамларнинг ишдан кўнгли совиди. Далаларни бегона ўт босди, ҳосилдорлик пасайгандан пасайди. Нега?

Хўжаликнинг аввалги бир сўзли, озгина қайсар, хушомадга хуши йўқ раҳбари Кучар Собиров баъзиларга ёқмай қолди. Унинг ўрнига Нуъмонжон Уринов тайинланди. Уринов бор-йўғи тўрт ойгина хўжаликни бошқарди. Ишни эплай олмаганлиги, одамлар билан муроса қилолмаганлиги учун ишни ташлаб кетди.

Кейин нима бўлди? Одамлар тағин Кучар Собировни қайтаришни талаб қилдилар. Бунинг сабаби Кучар хўжаликнинг тамал тошини қўйган, катта-ю кичик лавозимларда ишлаб, эл назарига тушган эди. Чунончи, унинг даврида хўжалик қўрғони тўлиқ газлаштирилди, янги мактаб қурилди, ички йўлларга асфальт тўшалди. 18 та коттеж уй фойдаланишга топширилиб, 3 гектарда тераҳзор, 20 гектарда мевали боғ барпо этилди. Ҳамма турдаги техникалар бут қилинди. Пахта ҳосилдорлиги 24 центнерга кўтарилди. Унинг хўжалик ишига фидойилиги, тиниб-тинчимаслиги, оддий деҳқонлар билан яқинлиги кўпчиликка маълум эди. Меҳнаткашлар ўз раҳбари билан фахрланарди. Бирга ишлашни хоҳларди. Лекин бу инобатга олинмади. Одамлар хоҳиши қайсарлик билан рад этилди. Аксинча Уринов ўрнига ширкатлар уюшмасида фермер бўлиб ишлаётган Амир Мирзақулов катта хўжаликка бошлиқ қилиб тайинланди.

Юртбошимиз Жиззах вилоят Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида «Масъулиятсизлик — раҳбар учун иллат, бундай кайфиятда юрганларни аллақачон тартибга чақириш вақти келган, деб ўйлайман» деганди. Баъзи раҳбарларнинг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ҳамон таниш-билиш, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўяётганлиги танқид қилинганди. Афсуски, шу мезон бузилди. Янги раҳбарнинг кучи-имконияти, нималарга қодирлиги ҳисобга олинмади.

Ҳамма ҳам раҳбар бўлиши мумкин. Лекин, раҳбарликни уддалаш қийин. Бунинг учун кишида аввало туғма ташкилотчилик, ишбилармонлик, одамларни қовуштира билиш, багри кенглик, жамоани ҳурмат қила билиш, иззат-нафсга тегмаслик каби хислатлар мужассам бўлиши керак. Шундагина у одамлар билан бирга ишлай олади ва ҳурматига сазовор бўлади. Бордию, бунинг акси бўлиб, ошна-оғайнигарчиликка берилса-чи? Хўжалик худди калта боғлаб қўйилган отдек депсиниб тураверади.

Депсиниш ёмон. Ундан кишиларнинг маълум бир қисми манфаатдор бўлишадию, кўпчиликда норозилик туғилади. Мирзақулов ишни худди шундан бошлади. Адолатсизликка йўл қўйилди.

Аввалги ҳисобчилар, хазиначи, ёқилғи қуйиш, деҳқон-фермер хўжалиги бошлиқлари, хуллас унлаб мутахассисларни Мирзақулов олдин ўзи ишлаган жойдан таклиф этди. Бу адолатсизликка қарши одамлар норозилик билдиришди. Туман ҳокимлигининг аралашувидан сўнг ишдан бўшатилган мутахассисларнинг бир қисми яна ўз ўрнига қайтди.

Амир Мирзақулов яна пинҳона ишга қўл урди. Ўғли Э. Мирзақуловни ими-жимида деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи қилиб тайинлаб, унумдор, сувга яқин ердан 80 гектар ер олиб берди. У хўжаликка қанча фойда келтирибди-ю, қанча зарар, буниси бизга қоронғи. Ҳақиқатнинг юзига тик боқиб айтиш мумкинки, сув ҳам, ўғит ҳам, техниканинг сози ҳам шу «Қизилқоя» деҳқон фермер хўжалиги томон «оқди». Бу ҳам одамларда раҳбарга нисбатан ишончсизлик туғдирди.

Раҳбар одамларнинг ишончини қозона олмаса-чи? Раҳбар учун бу фожеа. Мирзақулов далага кам чиқар, одамлар билан кам гаплашар, арздодига қулоқ солмасди. Бора-бора меҳнаткашларнинг раҳбардан кўнгли совиди. Ишлар орқага кетди. Айни пайтда хўжаликнинг қарзи 27 миллион сўм. Хўжаликнинг шунча катта миқдорда қарзи бўла туриб қандай қилиб меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилсин? Қандай қилиб эҳтиёжини қондирсин?

Хўжалик 1995 йил ҳам, бу йил ҳам ғалла, пахта тайёрлаш режаларини барбод қилди. 530 тонна ўрнига эндигина 140,2 тонна пахта тайёрланди ёки йиллик режа 26,5 фоиз уддаланди. Карим Маркаев, Эшқул Маъмуров бошлиқ деҳқон-фермер хўжаликларда кўрсаткич бундан ҳам паст. Шу аҳволда даромад қаёқдан келади? Одамларнинг косаси қандай оқарсин?

Мен хўжаликда бўлганимда кўплар билан мулоқотда бўлдим. Эргаш Избосаров, туман агросаноат уюшмаси раиси: — киши 50-60 гектарда яхши деҳқончилик қилиши мумкин. Аммо хўжаликни бошқариш. У раҳбардан катта салоҳият, иқтисодий билим, ҳозирги замон талабини чуқур тушунишни талаб этади. Мирзақуловда шу фазилатлар етишмади.

Изоҳ: Мирзақуловдаги ушбу камчиликларни туман ҳокимлиги ва вилоят раҳбарлари билармиди? Биларди! Лекин муроса қилиб келинди. Жазолаш ўрнига бошини силадилар.

Абдуҳамид Бўронмирзаев, нафақахўр: — Эски бир мақол бор, чўпон қаёқдан келса, сурувни ўша томонга қараб ҳайдайди. Мирзақулов шу қабилда иш юритди. Ёғли-ёғли жойларга ўз қариндоши, ўғли, акука, тоға-жиянларини қўйди. Бошқаларни менсимади. Оқибатда эса...

Одина Исҳоқова, фермер: — У одамлардан ажраб қолди, орқасидан эргаштира олмади.

Мен далаларни айландим, ғўзалар сийрак, 450 гектар экин майдонини шунчалик қалин ўт босганки, трактор киролмайди. Кузги ғалланинг эндигина учдан бир қисмига уруғлик ташланган.

Мирзақулов лавозимидан олиб ташланди. Одамларнинг талаби билан Кучар Собиров яна ўз ўрнига қайтди. Янги раҳбар ишни анча жонлантирган: ер шудгор қилинаяпти, ғалла экишга янги техникалар олиб келинди. Ғалла майсалари сўғорилмоқда, деҳқонлар бизга ҳам ер беринг, ишлаймиз, дея ариза билан келишмоқда. Ҳа, иш билганга минг танга.

Т. СОЙНАЗАРОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

• Асар биринчи марта эълон қилинмоқда?

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ МАККАДАМИКИН?»

(Охири, боши ўтган сонларда)

Майор Дэвининг далиллари

Майор Дэви малъзуфотларни Амир Темурнинг ўзига мансублигини астойдил қўллаб-қувватлайди. У бу асарни Абу Толиб ат-Ҳусайнийнинг ўзи таълиф этиб, сўнгра уни Амир Темур ёзган деб унга мансуб этган деган фикрни умуман тан олмайди. Майор Дэвининг бу хусусдаги қўллаб далиллари ва асосли хулосалари унинг 1779 йил 24 октябрь куни Дж. Уайтга йўллаган мактубида келтирилади.

Француз олими Л. Ланглэ ушбу мактубни француз тилига таржима қилиб, уни ўзи 1787 йили Парижда нашр қилган тузукларнинг французча таржимасининг муқаддимасида алоҳида таъкидлаб қайд қилади. Майор Ч. Стюарт 1830 йилда Лондонда чоп этилган малъзуфотларни инглизча таржимасига ёзган муқаддимасида Л. Ланглэнинг ушбу таржимасидан узундан-узоқ бандларни иқтибос қилиб келтиради. Майор Дэви ўзининг узун бу мактубининг бошланишида ушбу ишнинг (малфузотларнинг) Амир Темурга мансублиги хусусида ҳозирча ишончли тарихий далилга эга эмаслигини ҳам эътироф этади.

Шундан сўнг у малфузотларнинг ўзидан олган қатор далилу хулосаларни баён қиладики — унинг фикрича — бу далиллар малфузотларни Амир Темурга мансублигини тасдиқлаш учун кифоядир. Жумладан майор Дэви Шарафуддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» номли улкан асарида малфузотларга ишорат қилмаганлигини бу асарни (малфузотларни) якқаю-ягона нусхада булганлиги билан изоҳлайди. Чунончи Амир Темур бутун ҳаёти давомида малфузотлар масаласи ўта сир ҳолда қолишига алоҳида аҳамият берган. Амир Темурнинг малфузотларни ёзиб тайёрлашдан асосий мақсади у вафот этгандан кейин унинг болалари ва набиралари улардан воқиф бўлишлари кўзда тутилганлигида эди. Мана шу ҳолат айнан Амир Темур музаккиротларига нисбатан вақтинчалик унутиш ва фаромушхотирлик кабиларни вужудга келишига сабаб булган. Бу ҳол бевосита Амир Темур вафотидан кейинги авлодлар пайтида ҳам, айниқса турк фотиҳи дунедан ўтгач, унинг авлодлари ва набиралари ўртасида содир булган ихтилофу-низолар пайтида ҳам давом этди.

Уз далилларини давом эттириб майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, малфузотларда, Амир Темур ҳаёти воқеалари бошқа ёзма манбаъларда келтирилганидек баён қилишига қарамасдан эсдаликларни (синчков) уқувчисига муаллиф бошқа манбаъларда учрамайдиган ортиқча маълумотларни тақдим қилганлигини (уқувчи) очиқ-ойдин ҳис қилади. Бу ҳолни уқувчи Амир Темур ҳар хил воқеаларни баён этиб уларни батафсил таҳлил қилганда ҳам, ўз ишлари ва режаларига таъсир кўрсатган ҳуфёна омиллар, асил сабаблар ва рухий кечинмаларни баён қилганда ҳам ҳис қилади.

Мана шу воқеаларнинг яратувчиси ҳам у — Амир Темур, уларни ёзиб олиб қайд қилувчи ҳам у, у уз ақл-заковатию нафсонияти тақозосига кура ушбу воқеаларни ўз асарида келтириб ифода қилган. Шундан кейин майор Дэви ўз фикрида давом этиб, Амир Темур вафотидан кейин содир булган нотинчлиу низолар пайтида малфузотларнинг яккаю-ягона нусхаси қўлга тушиб қолган кишининг асил ниятини билмаймиз — бу кишининг нияти пок, ишончли эдими ёинки ғанимсифат эдими — мана шу ҳолат Амир Темур ҳаёт пайтида (атайин) эътибор берилмай унутилган эсдаликлар хусусидаги ҳақиқатни тиклашда алоҳида аҳамиятга моликлигини уқдиради.

Сўнгра майор Дэви Абу Толиб ал-Ҳусайний ҳақида ҳикоя қилишга ўтади. Абу Толиб ал-Ҳусайний Жаъфар Пошa кутубхонасидан топган китобининг аслият эканлигига ҳеч бир ишорат қилмаганлиги биринчи қарашда таажжубли ҳол булиб кўринсада, лекин айни вақтда мана шу фактнинг ўзи ҳам малфузотларни ҳақиқий эканлигидан далолат берувчи жиддий асосдир. Чунончи Абу Толиб ал-Ҳусайний қатый равишда малфузотларни ўзи аслиятлик асоси ва далилларини ўзида мужассам этган ва бу фикрни бирон киши ҳам шак-шубҳа остига қўя олмайди деб ҳисоблаб, шу боисдан ҳам бу мавзу хусусида алоҳида тухталиб ўтишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Шунингдек майор Дэви, эсдаликларни Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг ўзи ёзиб сўнгра уни Амир Темурга тансуб этган деб баъзи даъво қилувчиларнинг даъволарини ҳам муттақо қабул қилмайди.

Чунки Шарқда азалдан удум бўлганига кура, муаллифлар ўзлари ёзган китобларини сотиш ниятида китоб дуконларига намойишга қўйганлар. Бинобарин улар китобларининг мувaффақияти ва халқ орасида тарқалиши бу китобларни оммага сотиш учун китоб дуконларига қўйилишига боғлиқ бўлмай балки саховатли ҳокимлар томонидан ушбу асарларни тайёрлашда кўрсатган жиддуҳаҳдларига яраша молиявий мукофот билан қадрланишига муаллифлар кўпроқ эътимод қўядилар.

Шубҳа йўққи, Абу-Толиб ал-Ҳусайний агар Амир Темурнинг ҳаёти ҳақида бир китоб ёзишга қодир булганда эди, ҳеч вақт у ўзига нисбатан ушбу асарнинг таржимасини амалга оширган деб тахминлаш унинг манфаатидан булмаслигини яхши биларди. Чунки бу даъво унинг меҳнати қийматини камайтириб, унинг илмий мақомига ҳам сезиларли ҳалал етказарди. Чунончи бу асарнинг муаллифи булиш билан ўзини фақат таржимони деб кўрсатишга журъат қилиши ўртасидаги фарқ каттадир.

Бунга қўшимча унинг моддий жиҳатдан ҳам катта зарар кўришлигини ҳам назардан қочирмаслик жоиз.

Чунончи агар бирор асарнинг таржимони булса у ҳолда шу асарнинг ёзган муаллифига қараганда ундан бир миқдорда кам молиявий мукофот олиш-лиги ҳам эътиборлидир. Шунингдек у асарда Амир Темур номидан ҳикоя қилганида бирликда, учинчи шахс номидан гапириши керак эди, ваҳоланки у малфузотларда бошдан охир бирлик биринчи шахс сийғачида (Амир Темур) номидан сўз олиб боради.

Майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, Амир Темурнинг тўртинчи даража набираларидан бири Муҳаммад Бобурнинг ўзи «Бобурнома» деб аталадиган эсдаликлар ёзишга журъат қилиши эътиборга лойиқ булган бир масаладир. Ҳаётий кечмишлари ва турли-туман саргузаштларга дуч келишда бобо (Амир Темур) ва набира (Бобур) ўртасида муайян ухшашликлар мавжуд — орқага чекиниб қайтишлару саргардонлик билан ҳокимият ва султонлик ўртасидаги узгарувчанлик қабилар булиб масала нихоят 1527 йилда Ҳиндистонда Темурий султонлари давлатини асосчиси сифатида Бобурни Деҳли тахтига утириши билан якунланди. «Бобурнома» китоби ҳам то Бобурнинг набираси султон Акбаршох (1556-1605) даврининг ярмигача — асар чигатой туркий тилидан форсчага таржима қилинмагунга қадар, фаромуш этиш ва бепарво қараш зулматида қолиб келди. На Осиёда, на Европада бирор киши Бобурнинг эсдаликларининг аслиятига эътироз билдиришга журъат қилаолмайди-ку. Ваҳоланки бу асар ҳам «Тузуклар» сингари унутилиш ва беэътибор муносабатда булиш ҳолатларини бошдан кечирган!



Малфузотлар асиллиги (ҳақиқийлиги)ни ёқлаган фикрларини майор Дэви қуйидагилар билан якунлайди: Ҳиндистонда яшаган пайтида у ҳинд ва эрон олимлари ва тадқиқотчилари билан кўп марталар учрашиб мулоқотда булган. Бу олимлар ушбу мавзу хусусида узига-кесил хулоса чиқаришда уз имконлари доирасида Европа мунаққидларига нисбатан кўпроқ ҳақиқатга яқинроқдирлар. Бинобарин майор Дэви ўша олимлардан бирортасида ҳам Абу Толиб ал-Ҳусайний тоғган асарни Амир Темурга мансублиги аниқ эканлигида заррача ҳам шак-шубҳа кўрмаган. Ўша олимларнинг ҳаммаси ҳам майор Дэвининг малфузотларнинг асиллиги ҳақидаги ҳар хил фикр-мулоҳазалари ва саволу суриштиришларини ўта таажжуб билан қарши олганлар.

МУҲАММАД ҲИФЗ АЛ-БУХОРИЙНИНГ НУҚТАЙ НАЗАРИ

«Темур тузуклари»нинг аслияти (ҳақиқийлиги) мавзусига алоқадор масалани ечишда, албатта, ҳаммадан кура Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий кўпроқ ҳақли эканлигини аёндир. Чунки айни шу шахс — Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий Абу Толиб ал-Ҳусайний ушбу асарни форсчага ўгиргандан кейин кўп вақт ўтмасдан унинг таржимасини батамом қайтадан кўриб чиққанди. Бинобарин ал-Бухорийда Абу Толиб ал-Ҳусайний ушбу асарнинг муаллифи, унинг таржимони эмас деган ҳеч бир шубҳаланиш аломатининг йўқлигининг узи ҳам музаккиротнинг Амир Темурга мансублиги тўғри эканлигини эътироф қилганлигини англатади.

Бу масала алоҳида аҳамият касб этишига яна бир сабаб шуки. Абу Толиб ал-Ҳусайний амалга оширган таржимага нисбатан Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг тутган нуқтаи назари ўта салбий эди. Шу боис у Абу Толиб ал-Ҳусайний таржимани яхши бажара олмаган деб катта эътироз билдирган эди. Шундай ҳолатда Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг Абу Толиб ал-Ҳусайний музаккиротларининг таржимони эмас, балки унинг муаллифи деб танқид қилишга тўла имконияти бор эди. Яна шу нарса равшан бўлаётирки, агар Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий музаккиротларининг аслияти ва унинг Амир Темурга мансублиги тўғри эканлигига ишончи комил бўлмаганда эди, соҳибқирон ҳаёти ҳақидаги оддий бир асарга бу қадар ҳам катта меҳнат сарфлаб уни айни шу мавзу ҳақида ҳикоя қилувчи Шарафуддин Али Яздий таълиф этган «Зафарнома» номли бошқа бир улкан тарихий асар билан батафсил солиштириб чиқмаган бўларди...

• «Адолат»га жавоб берадилар

«АРЗИМГА КИМ ҚУЛОҚ СОЛАДИ?»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил 27 июль)

Юқоридаги сарлавҳа остида темир йўл юк вагонларида юкларни қабул қилиб, топширувчи бўлиб ишлаган Ҳ. Зоҳидовнинг шикояти бўйича мақола чоп этилган эди. Унда Ҳ. Зоҳидов ўзини ноҳақ ишдан бўшатилганлигини таъкидлаган. Яқинда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент Марказий йўловчилар бекати раҳбарларидан жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

Мақола Тошкент Марказий йўловчилар бекати раҳбарияти ва касаба қўмитаси раиси иштирокида кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, юк бўлимида тафтиш ўтказилган. Тафтиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: 917-Москва — Тошкент поездининг вагонларида юк қабул қилиб топширувчи Ҳ. Зоҳидов ва Т. Тожибоев Москва — Павелецкая бекатидан 27.09.93 йилда 247-сонли рўйхат бўйича 600 жой миқдорида 9900 кг. огирликда юк қабул қилиб олганлар. Ҳужжатларда қайд этилишича юк Астрахан шаҳрида тушириб олиниши керак эди. Аммо у Астрахан бекатида тушириб олинмаган ва қайта расмийлаштирилмаган. Шу тариқа юк ҳужжатларсиз Жиззах бекатигача келган. Жиззах бекатида юк қабул қилувчига топширилган.

Астрахан бекатидан Жиззах бекатигача юк ташиш ҳақи 1049400 рублни ташкил этади. Юк қабул қилиб топширувчи Ҳ. Зоҳидов ва Т. Тожибоев ўз ҳатти-ҳаракатлари билан ЦЛ-470 лавозим йўриқномасининг 16, 20, 27-бандларини, 5-сонли тариф қўлланмасининг 16-бандини бузганлар ва темир йўлга 1049400 рубль миқдорида зарар етказганлар. Натижада Ҳ. Зоҳидов ва Т. Тожибоев темир йўл транспорти Низоми 19-моддасининг «И» банди бўйича ишдан бўшатилган. Лекин Ҳ. Зоҳидов бундан норози бўлиб судларга мурожаат этган.

Унинг аризаси Миробод тумани ва Тошкент шаҳар судларида кўриб чиқилган ва Тошкент Марказий йўловчилар бекати чиқарган буйруқни ўз кучида қолдирган.

Д. ЗАҲРИТДИНОВ,
Тошкент Марказий йўловчилар бекати бошлиғи.
И. АБДУҚОДИРОВ,
касаба қўмитаси раиси.

• Хевrондан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиш музокараларида муайян силжишга эришилди. Бундан қатъий назар Фаластин раҳбари Ясир Арафат Урдун дарёсининг Ғарбий соҳилидаги қатор қишлоқлардан Исроил қўшинларини келгуси йил олиб чиқиб кетилиши ҳақида ҳукумат бошлиғининг ёзма кафолати бўлмас экан, ўзаро шартномага қўл қўймаслигини айтган.

***

• Афғонистонда Толиблар пойтахтни қиш давомида ушлаб туришга интилмоқдалар. Бу жаҳон ҳамжамияти уларни тан олишида муҳим ўрин тутиши мумкин. Айни пайтда Ҳиндистон Афғонистоннинг собиқ Президенти Б.Раббонийни қўллаб-қувватлаб Қобулдан ҳарбий кучлар олиб чиқиб кетилишини ёқлади.

***

• Белградда ҳукуматга қарши кучларнинг маҳаллий ҳокимият ташкилотларига сайловлар натижалари бекор қилинганига қарши намойишлари бўлди. Асосан талабалардан иборат намойишчилар Сербия Президенти С.Милошевич ҳукуматини сайловлар тўғрисидаги қонунни бузганликда айбламоқда.

***

• Франция билан Россия «Рено» машиналарини биргаликда ишлаб чиқарадиган бўлди. Йилига 120 минг машина ишлаб чиқарадиган завод учун 72 миллион доллар қарз берилади. Парижда бўлган Россия ҳукумати бошлиғи В.Черномирдин Франция раҳбарлари билан Чор Россияси давридаги 400 миллион доллар қарзни 4 йил ичида Францияга тўлаш тўғрисидаги битимга ҳам имзо чекди.

***

• Женевада Биологик қурол бўйича конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг конференцияси ўтмоқда. Унда биологик қуролни таъқиқлаш тўғрисидаги битим амалийлиги ва уни кучайтириш масалалари кўрилмоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон бошқа музокараларнинг сиёсий соясида қолиб келаётган бу ҳалқаро шартномани кучайтириш юзасидан ишларни 1998 йилга якунлаш таклифи билан чиқди.

Бухорода Соня Бўриевна Қодировани танимаганлар бўлмаса керак. У 4-шаҳар болалар поликлиникасида олий тоифали врач сифатида бугунги авлодни соғлом камол топишида катта хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг директори ва «Соғлом авлод учун» орденининг биринчилар қаторидаги соҳиби Соня Қодирова бугунги кунда бор куч-ғайрати ҳамда билимини болалар соғлиги ва бахтига сарфламоқда.

СУРАТДА: вилоят кенгашининг депутати С. Қодирова ёш авлодлар билан.

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзА).

Маънавият

ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР ёки тўй қиламан деб «бели» чиқаётганлар хусусида

(Боши 1-бетда).

Уларнинг дарди-ёди битта: қандай қилиб бўлмасин бирор бойвачча хонадондан келин қилишсаю, унинг ҳисобига ўғилларининг егани олдида, емагани кетида, уйли-жойлию рўзғорлик, яна иложи бўлса машинали ҳам бўлса! Шолининг баҳонасида курмак ҳам сув ичади деганларидек, унинг кетидан ўзлари ҳам...

Ажабо, дейсан, киши бошингни чангаллаб. Илгарилари бойбойга боқар, сув сойга оқар дейишарди. Нега энди баъзи одамлар уялмай-нетмай бадавлат одамларнинг қизини келин қилишга ўч бўлиб қолишди?

Тўғри, онда-сонда бўлса-да тақдир тақозоси билан камбағалнинг қизини келин қилганлар ҳам бор. Лекин бунақа шўрлик келиннинг бошида ҳар куни ёнғоқ чақилади. Камбағаллиги, сепсизлиги рўкач қилинавериб, аксарият ҳолларда охири турмушларининг бузилишигача бориб етади.

Бунинг сабабларини мисоллар билан аста-секин очиб берармиз. Лекин ҳозир тўқ хонадонга келган совчилар ҳақидаги гапимизни давом эттирамиз. Улар у ёқдан ҳайдашса, буёқдан кириб келавериб ҳоли жонларига қўйишмайди. Худди бозорда даллолнинг қўлингизни силтайверганидан азоб чекиб «бор-барака» деб юборганингиздек, уларга ҳам қизингизни беришга розилик билдириб юборганингизни билмай қоласиз.

Шунинг учун ҳам қиз бола туғилдими, унга сеп йиғиш бошланади. Турли латта-путтаю, идиш товоққача жамғарилади. Унинг чириб-пириб кетишию, модадан қолиши ҳақида ўйлаб ҳам ўтирилмайди. Ишқилиб, келиннинг шунча сепи бор экан, бойбадавлат экан деса, янги хонадонда келинчакнинг камбағаллигини пеш қилиб, бошида ёнғоқ чақишмаса бўлгани! Шунақа қилиб, жонини жабборга бериб мол йиғиш шартми дейсизми? Шарт! Шунинг учун ҳам емай-ичмай бўлса-да қиз болага сеп йиғишади. Элдан қолмай тўй қилишади. Бир мисол. Яқинда М. исмли бир танишим қизини турмушга берди. Тўйда қўлини кўксига қўйиб меҳмон кутяптию, эгнида эскириб, оҳори тўкилиб кетган костюм-шим, секин қулоғига энгашиб, «Оғайни, уйга кириб бирор тузукроқ кийимингизни кийиб чиқинг» десам, «Бўлса кияманда» деб жавоб берди. Унинг қизига қилган сепининг эса доврўғини кейин эшитдим. Импорт мебеллар, гиламлар, сервизлару кийим-кечаклар... Куёв томонга қилган сарполарига ҳам оғиз очилиб қоладиган даражада!

Орадан икки ойча ўтгач танишимдан тўйда «тузукроқ кийимингизни кийиб чиқинг», дея мулзам қилганим учун узр сўрадим. У бир хўрсиндида, «урфимиз шунақа бўлса нима қилай? Бор-будимни куда томонга сарфладим-да», деб жавоб берди...

ҒУРУРИНГ БОРМИ, ЙИГИТ?

Ҳақли савол туғилади: Куёвларнинг ота-оналарику ўғилларини уйлантириш баҳонасида куда томон ҳисобига уйларини мол-мулкка тўлғазиб олишга уринишдан уялишмас экан. Куёвболанинг ўзлари-чи? Очиқ эътироф этиш керак, қуш инида кўрганини қилади, деганларидек, биз ҳикоя қилаётган куёвлар ҳам худди ота-оналари каби молпараст, наҳотки у киши ҳам... Ақли ҳушини топиб уйланаётган кап-катта йигит уялмай-нетмай бўлажак хотини томон билан мол талашади. Ҳатто куёвларнинг «бунақа икки пуллик костюм-шимини киймайман», «Голландияда тикилган пальто қилишмаса тўй қолдирилади» деганларини ҳам эшитганман. Бечора келин томон куёвнинг уйига олиб бориб ўрнатиб қўйган мебелларини қайтариб олиб кетиб, куёвга ёқадиган бошқасига алмаштириб келишганини ҳам эшитганман.

Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида яшовчилар бу гапларни эшитиб, наҳотки шу рост бўлса, деб ёқа ушлашлари табиий. Бироқ бизнинг баъзи оилаларимизда тарбия топган куёвларимизнинг худди шунақа бўлишлари ҳам табиий. Нега дейсизми. Унда эшитинг:

Яқиндагина бир хонадонга меҳмонга боргандим. Мезбоннинг тахминан 12-14 ёшли ўғли билан бўлган қуйидаги суҳбати қулоғимга чалиниб қолди:

— Ойи, менга ҳам акамникига ўхшаган «импортний» костюм-шим олиб беринг.

— Бунақасини, ўғлим, акангизга ўхшаб уйланганингизда қайнота-қайнонангиз олиб беради!

— Унгача шунақа жулдурвақа кийимда юравераманми?

— Юраверасиз, айтдим-ку уйланганингиздан кейин олиб беришади деб...

— Улар ҳам сизга ўхшаб олиб беришмаса-чи?

— Қани олиб бермай кўришсин-чи, нақ қизларининг қулоқлари остида шавла қайнатамиз...

Ана шунақа тарбия олган ўғил боланинг улғайиб куёв бўлганида ўзини қандай тутишини таърифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак! Худди шунақа оилада тарбия топган куёвлардан Н. С.нинг туғилган кунида қайнона-қайнотаси бош-оёқ сарпо кўтариб борибди-ю, бироқ костюм-шим куёвга ёқмабди. Шу-шу бечора келиннинг қулоғи тинчимади. Ҳа, деганда «ота-онанг туғилган кунимда «импорт» костюм-шим қилиб қўйибдими?» деб таъна қилармиш. Аксига олиб ота-она ҳам ўғилларининг гапини такрорлайверармиш... Охири бу можарога айланиб, икки ёш шу арзимас нарса туфайли ажралиб кетишди.

Одатда қиз бола турмушга чиқаётганда эркалик қилибми, у ёки бу нарсани олиб беришмаса тегмайман деб аразловчи, кўз ёши тўкувчи эди. Лекин кейинги пайтларда бу заифона қилиқни куёвлар қилишаётганини қандай тушуниш мумкин? Уларга қарата беихтиёр «Ғururинг борми, йигит?» деворгинг келади.

УЙ БИЗДАН, ТЎЛДИРИШ СИЗДАН

Одатта кўра куёв томон келинчакка ажратилган уйни иложи борича шип-шийдон қилиб бўшатиб қўяди. Келин томон эса уни мебелдан тортиб гиламгача, кўрпа-ёстиқдан тортиб идиш-товоққача, ҳатто челагу чўмичдан тоғорагача — ҳамма-ҳаммаси билан тўлдиради. Уйнинг деворлари ҳам очиқ қолмаслиги керак. Турли палаклару духобалар билан ўроғлиқ бўлади. Бирор жойи очиқ қолса куёв томоннинг «кўнгли оғринади». Эшик ва дераза пардалар ҳам камида 2-3 қават бўлиши шарт. Бу ишларни ўзаро келишилган куни қиз томоннинг вакиллари бориб қойилмақом қилиб бажариб келишади... Уни «уй безатиш» куни деб атайдилар.

Демак, янги пайдо бўлаётган оила учун уй-жой куёв томондану, рўзғор жиҳозлари билан тўлдириш келин томондан экан-да. Бир жиҳатдан бунинг нимаси ёмон, дерсиз. Тўғри, аксарият хонадонларда худди шундай бўлади. Бироқ бошқаларида келин туширилаётган пайтда кўпроқ хона ажратиб бериб, уни мол-мулк билан тўлдиртириб олишади-да, тўйдан кейин уларни ҳовлининг бир четидаги пастаккина уйга кўчириб қўйишади. Шунда бунақа тор жойга сиғмаган, ташқарида қолган мебеллару бошқа жиҳозларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Лекин буниси ҳам ҳолва. Баъзи куёв томонлар тўй маросими ўтгач, «қани энди уйни бўшатинглар», деб келинларига қўшиб ўғилларини ҳам кўчага ҳайдаб юборишдан уялмайдилар. Улар биладиларки, кудалар қизларини кўчада қолдирмайди. Бирор бошпана топиб беради (айниқса кейинги пайтларда бунақалар кўпайиб бормоқда). Шундай қилиб уй масаласи ҳам юзсизлик билан келин томон зиммасига юкланади.

Эски шаҳар томонда худди шунақа воқеа содир бўлди. Тўй пайтида келинга куда томон жуда яхши таъмирланган уч хонали уйни ажратиб берди. Унга ҳамманинг ҳаваси келди. Бироқ орадан бир ой ўтмаёқ, қиш эшик қоқиб турган бир пайтда келиндан куёв ҳали эшик-деразаси ҳам ўрнатилмаган икки хонали чала уйга кўчириб қўйилди. Аксига олиб худди шу пайтда келиннинг ота-онаси яшаган хонадонда ёнғин чиқиб, уйлари бутунлай кулпетага айланди. Саккиз жон бошпанасиз қолди. Хайрият, давлатимиз, маҳалла-кўй бор экан, ҳамма ёрдам қўлини чўзди. Давлат томонидан бепул қурилиш материаллари берилди, маҳалла аҳли кийим-кечагу, кўрпа-ёстиқ билан таъминлади. Қариндош-уруғлар ҳашарга келишди. Бироқ янги кудалар қораларини кўрсатишмади. Аксинча куёв: — Қизингиз совуқ уйда қолди, — деб уйи куйган хонадонга эшик, дераза, ғишту фанер сўраб борди. Бечора она бева бўлишига, бошига тушган мусибатга қарамай тантилик қилди. Бир ёнда ҳашарчилар ёнган уйни қайта тиклаш билан овора, бир ёнда янги куёв шундоқ ҳам етишмай турган қурилиш материалларини ўз уйига ташиш билан! Ниҳоят барча керакли материаллар ташиб олингач, куёв қайнонасига сурбетларча:

— Бу материалларни ишлатиш, уйни битказишга пулимиз йўқ. Бунақада қизингиз совуқда қолади, - деса бўладими?

Бечора қиз туққан она шўрлик бошини қайга урсин шу чоғда! Уйининг остонасигами? Ахир, у ҳам ёниб кул бўлган-ку!

— Майли, болам, биз бир иложини қилармиз, — деди у бир этак болаларидан бирининг бошини силаб туриб. — Сизларга қийин бўлмасин. Мана бу пулни маҳалладошларимиз ёрдам деб йиғиб беришганди. Шундан керагини олинг-да тезроқ уйни битказинг. Келинчак қизим хор бўлиб, асло совуқда қолмасин.

Мен бу шармандали воқеанинг шоҳиди бўлганман. Ўшанда ва ҳозир ҳам куёвнинг тўппа-тузук лавозимда ишловчи ота-онасию, савдода хизмат қилувчи акаларининг бу кирдикорларига лаънатлар ўқиб, келиннинг кўп болали бева онасига таҳсинлар айтганман.

Энди шу келин-куёвнинг кейинги ҳаётлари ҳақида ҳам бир шингил ҳикоя қилай. Орадан бир йил ўтгач келин ҳомиладор бўлди. Шунда унинг қайнона-қайнотаси эндиликда яшаб турган уйидан ҳам ҳайдаб чиқариб, бориб бошпана сўра деб кудаларининикига жўнатди. Қиз туққан она бунга ҳам чидади. Фарзандларини хусусий хонадонга ижарага қўйди. Аммо кудалари: «Биз ўғлимизни бировларнинг уйида ижарада яшашини истамаймиз, қайнонанг уй сотиб олиб берсин деганини эшитгач, тоқат қила олмади. Бор таваккал қилиб қизини ажратиб олишга қарор қилди. Орада ҳомила аборт қилиб ташланди.

Куёв томон қараса аҳвол жиддий. Ўғиллари хотинсиз, ўзлари шундоқ покизаю мўмин-қобил келинларидан ажралиб қоладиган:

— Йўқ, асло бундай бўлмайди. Фарзандларимизни бир-биридан ажратмаймиз, — деб туриб олишди ва келин-куёвни уйларига олиб қайтишди. Орадан вақт ўтиб келинлари бира тўла эгизак туғиб берди. Шунда улар яна жазавага минишди. Энди кудамиз икки боласи билан қизини ўғлимиздан ажратиб ололмайди дея яна уй олиб берсин деб фарзандларига эгизак набираларини қўшиб кўчага ҳайдашди. Ноилож қолган бева она қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам уларни алоҳида уйли қилди...

КЕЛИННИНГ СЕПИ КИМНИКИ?

Бу саволга ҳамма ҳам, албатта, ўзиникида деб жавоб беради. Бугина эмас, ҳатто куёв томондан никоҳ чоғида маҳрига ваъда қилинган нарсалар ҳам келинники: бу халқимиз учун азалдан қонунга айланган. Бироқ ҳалиги уйи куйиб кулпетага айланган бева аёлнинг бошқа қизига ҳатто сепи ҳам насиб қилмади. Кудалари унинг барча сепини, мебеллардан тортиб, то эшик-деразаларига қилган пардаларигача тортиб олиб, турмушга чиқараётган қизларига бермоқчи бўлишди. (Балки бу уларнинг қизларига сеп қилишга қўллари калталик қилганидандир. Балки...). Келин йиғлаб онасига арз қилиб келди. Шунда кудалар орасида шундай айтишув бўлиб ўтди:

— Кудажон, қизимнинг бу сепларини мен осонлик билан топган эмасман. Қўйинг, бундай қилманг, ўзига буюрсин.

— Менинг хонадонимдаги ишларга аралашманг куда. Бу бизнинг ички ишимиз.

— Барибир рози эмасман!

— Сизнинг розилигингизни сўраб ўтирармидим.

— Агар қизимнинг сепларини тортиб олиб қизингизга берсангиз, яна такрорлайман, асло рози эмасман! Илоҳим ўлимлигига буюрсин!!!

Она шундай дея фотиҳа тортиб зор-зор йиғлаганча чиқиб кетди. Шунга қарамай келиннинг сепи тортиб олиниб қайнсинглисига сеп қилиб берилди. Орадан бир йилча вақт ўтгач, келинойисининг сепини ўзига олган келинчак кўз ёриётган пайтида ҳалок бўлди. Унинг тирик қолган боласини эса ўша сепсиз қолган келинойиси эмизиб, катта қилди...

Бу келиннинг сепига тажовуз қилинган ягона воқеа эмас. Сўнгги йилларда бунақа нохушликлар такрорланиб турибди. Аслида молпарастлигу очкўзлик аломати бўлган бу адолатсизлик, фикри ожизимча, азбаройи қиз болага ҳаддан зиёд сеп қилиш, урф бўлиб қолганидан, қиз узатиш ниҳоятда серчиқим бўлиб кетганлигидан, унга ота-оналарнинг қурби етмаётганидан ҳам содир бўлмоқда. Худди шу ўринда мавриди келиб қолганидан фойдаланиб қиз чиқаришнинг кундан кунга оғирлашиб бораётганлиги, унинг маросимлари хусусида тўхталамиз.

УНАШТИРИШ МАРОСИМИ

Куёв томондан ўртача 3-4 киши бўлажак келинчакнинг уйига келади. Келин томон ҳам тахминан шунча одам чақиради. Меҳмондорчилик, таъбир жоиз бўлса, шоҳона ўтади. Патир ушатилиб йигит ва қиз унаштирилади. Томонлар маслаҳатлашиб тўй кунини белгилашади. Кузатиш чоғида келин томон куёв томондан келганларга биттадан чопон, қийиқчага ўралган тугун беради. Кейин ҳар икки томон ҳам қуни-қўшнию, қариндош-уруғларига яхши ният қилиб, унаштириш маросимидан қанд-қурс, мева-чева ва ҳолваю патир улашади. (Унаштиришга келган ва кетган 15-20 тоғора иссиқ таомларни гапирмаса ҳам бўлади).

НИКОҲНИ ҚАЙД ЭТИШ

Куёвхонтўра дўстлари билан келиннинг уйига келади. Келин дугоналари билан куёв томондан келган енгил машиналарга ўтириб, никоҳни қайд этиш идорасига боришади. Машиналар сони кўпинча 5-6 та бўлади. Баъзи имконияти борлар (баъзан йўғи ҳам ном чиқариш учун) уни 10, ҳатто 15 тага етказишади. Бу тантанали маросим видеога олишлару, суратга тушишлар, ресторанга киришлару (ҳамма ҳам эмас, албатта) гулчамбар қўйишлар билан ўтади. Шу орада келин-куёв ё масжидга бориб, ё хонадонда ўзимизнинг мусулмонча никоҳни ўқитишиб оладилар. Бу маросимнинг барча сарф-ҳаражатлари куёв томон зиммасида бўлади.

ҚИЗ ЗИЁФАТ

Баъзан «қиз оши» ҳам деб номланадиган бу маросим никоҳ тўйидан бир, баъзан икки кун илгари ўтказилади. Унга илгарилари келиннинг дугоналаригина таклиф этиларди. Лекин кейинроқ келинчакнинг синфдошу курсдошлари, ишхонасидаги ва маҳалладош йигитлар ҳам қатнашадиган бўлди. Бундан беш-ўн йил илгари эса бу ихчамгина маросимга катта ёшлилар ҳам таклиф этилаверилди. Ва натижада никоҳ тўйидан асло қолишмайдиган, бойвачча хонадонларда эса, ундан ҳам зиёда дабдабали маросим тусини олди. Одатда «қиз базми» айни қизиган пайтда куёв-тўра бир гуруҳ йигитлар билан кириб келади-да, уларни санъаткорлар қўшиқлар билан, бошқалар ўрниларидан туриб, қарсаклар чалиб кутиб олишади. Алламаҳалгача давом этадиган бу зиёфатга куёв томон тахминан 10-15 тоғорада мева-чеваю, турли пишириқлар жўнатади. Аммо бор товоғим, кел товоғим, аро йўлда син товоғим деганларидек, келин томон тоғораларни бўшатиб бир-бирига тўққизлаб жўнатмайди. Аксинча, қанча тоғорада нарса келган бўлса унинг ёнига яна бир-икки тоғора қўшиб қайтаради. Демак, бу маросимнинг барча сарф-харажати зиёдаси билан келин томоннинг зиммасида. Тўғрида, кучи етса зиёфат берсин, етмаса йўқ, дейишади. Аслида ҳам шундайку-я, бироқ...

НИКОҲ ТЎЙИ

Эрта тонгда ёки пешинда дошқозонда ош дамланиб элга дастурхон ёзилади. Паловхонтўра куёв томон ҳисобидан бўлади. Ё у пиширилиб жўнатилади ёки хом тарзда масаллиғи берилади. Ош билан бирга қиз томонга битта қўчқор, бир-икки қоп ун, бир-икки кило қуруқ чой ва бошқа ноз-неъматлар келади. Буни «тўй келди» дейишади. Ошга куёв томондан аввал кексалар келиб кетишади. Кейин карнай-сурнай билан куёв навкар ташриф буюради. Қиз томон куёв навкарларга ош билан бирга мастава ҳам киритади. Албатта дастурхонга мева-чевалару, пишириқлар ҳам қўйилади. Дарвоқе, ош маросимида хизмат қиладиган санъаткорлар албатта қиз томоннинг ўз ҳисобидан. Тўйда келин томонга қилинадиган саруполарини ҳисобга олмаганда куёв томондан бериладиган нарсалар асосан шулар.

Куёв навкар кузатилгач келин томон, (фақат аёллар) куда томондан жўнатилган машиналарга ўтириб никоҳ базмига йўл олади. Бироқ ҳангомани қарангки, келин ўз уйидан чиқиши билан қиз томонни «шилиш» бошланади. Йўлда машинани тўсиб, гўё «йўлтўсарлардек» нарса талаб қилишадими-ей... Келин томон қийиқчалару материаллар, бошқа қимматбаҳо нарсалар бериб, машинага йўл очади...

Тўй базмида эса икки томон бир-биридан ортда қолмаслик учун баҳоли қудрат пул қистириш, баъзан сочиш мусобақасини авж олдиради.

ТУНГИ ҲАНГОМАЛАР

Тўй базми тугагач, келинни ўзига аталган хонага кузатиб қўйишади. Қўшни хонада эса лиқ тўла аёллар. Тун бўйи ухламай гоҳ келинга ўйинчоқ чақалоқ ясаб, гоҳ уни бешикка белаб, гоҳ тўй бола қилиб... кудалардан суюнчи сўраб, «шилишади». Тонг отганда эса «келин салом» маросими бошланади.

КЕЛИН САЛОМ

Маросим эрта тонгда нонуштадан сўнг бошланади. Келин томондан ва куёв томондан икки аёл келинни ўртага олиб, унга берилган уй остонасида келинчакни саломга олиб чиқади. Улардан бири, баъзан навбати билан анъанавий қўшиқни куйлаб туради. Масалан, келинни қайнотасига салом қилдирадиган бўлишса, тахминан шундай дейишади:

Исмлари Тошболта,
Қайнотамас, чин ота.
Обрўлари эл аро
Жуда юксак, бой ота.
Меҳрибону қадрдон
Фидо қилсанг арзир жон.
Серҳиммат, хуллас калом!
Салом, салом, салом,
Қайноталарига салом!



Юзларига ҳарир парда ёпинган келин бош эгиб салом қилади. Қайнота унга миннатдорчилик билдириб, дуо қилади ва атаган ўз совғасини беради. (Кимдир гилам, кимдир палас ёки сервиз ва ҳоказо). Шу заҳотиёқ келиннинг онаси ичкаридан чиқиб жавоб совғасини узатади. (Масалан, чопон, қийиқча ва дўппи, кўрпа ва ҳоказо).

Шундан кейин келин қайнонаси, қайин оғаларию қайнсинглилари, бошқа қариндош-уруғларига салом қилади. Салом қилувчилар тинмай жавраб туришади. Албатта келин кимга салом қилган бўлса барчалари совға билан келиб, ўрнига бошқа совға олиб кетишади. Маросимда сиртдан қараганда гўё келин томон ютаётгандек бўлади. Лекин бир-икки саломдан кейиноқ келин томон зарар кўраётгани аён бўла бошлайди. Негаки, тўртта пиёла ёки 3 сўм пул берган куёв томон, ўрнига битта кўйлак ёки жойнамоз кабини олиб қайтади. Маросим қизигандан қизиб бораверади. Охири келинчакдан совға оламиз деб қариндош-уруғлару, қуни-қўшниларнинг бола-чақалари ҳам бир, уч, беш сўм пул кўтариб келишаверади. Келин эса уларга бирор сочиқ ёки даструмолга ўхшаш нарсалар қайтаради. Совғага келган буюм келиннинг уйида қолади, лекин тушган пулларни салом қилдирувчи аёллар ўзаро бўлиб олишади (баъзан тақсим чоғида пул талашиб, жанжаллашишгача бориб етишади).

Шундай қилиб, келин томондан кўтариб келинган бўғча тугайди. Бошқача қилиб айтганда, бу маросимда ҳам келин томон чув тушади. Наҳотки куёв томон янги оила қурган ўз фарзандларига берган совға-саломларини ҳам сотиб олса? Ахир келин бутун рўзғорга керак буюмларни куёвнинг (эрининг)уйига олиб келиб, улардан эвазига пул талаб қилмайди-ку! Нега энди уларникини «сотиб» олиши керак? Нима, янги оила келинга керагу, унинг бошлиғи — куёвга даркор эмасми?

ҚОВУРДОҚ МАРОСИМИ

Кейинги куни келин томон эрта тонгда бир тоғора қовурдоқ пишириб, нон-пон дегандек, бошқа неъматлар ҳам олиб куёвникига боради. Бошқача қилиб айтганда, келин томон куёв томонга уларнинг ўз уйларида зиёфат беради.

ЧОРЛАР

Тўйнинг учинчи куни эса яна келин томон (энди ўз уйида) куёв томон аёлларини зиёфат қилади. Албатта санъаткорлар иштирокида! Бу маросимда куёв томон бир автобус бўлиб келиннинг уйига боришади. Меҳмондорчилик, ўйин-кулги авж олади. Қўшиқ-қўшиққа, рақс рақсга уланади. Келин томон шунча сарф-харажат устига (пул қистиришдан тортиб камида 5—6 хил таомгача) куёв томондан келганларнинг ҳар бирига кетар чоғида нондан тортиб мевачевагача солиб, яна устига бир кийимлик нарса қўйиб тугун тутқазади. Худди шу маросимда келиннинг сепи кўз-кўз қилинади. Ҳамма, қани, келинчакнинг ота-онаси қандай сеп қилибди, деб кузатиб туради.

ҚУДА ЧАҚИРИҒУ КУЁВ ЧАҚИРИҚ

Чалларни эсон-омон ўтказиб олган келин томон энди куда томонни қариндош-уруғлари билан бирга (эркаклар) алоҳида зиёфатга чақиради. Зиёфатдан сўнг баъзан ҳар бирларига алоҳида-алоҳида чопон, кўйлак, қийиқча ва ҳ. к. совға ҳам берилади.

Бироқ бунга куёвнинг алоқаси йўқ. У ўз дўстлари билан алоҳида ташриф буюради. Яна меҳмондорчилик, зиёфат. Албатта, куёв чақириқда ҳам меҳмонларнинг кетар чоғларида куёвга сарпо, дўстларига совға-саломлар бериб кузатишади.

Орадан кўп ўтмай энди келин томонни куёв томон чақиради. Бироқ келиннинг қариндош-уруғлари куёвникига қуруқ боришга ҳақлари йўқ. Бас, қизларини бердиларми, энди бировлари гиламми, палас, бировлари қандил ёки кир ювиш машинаси, яна бошқалари чангютгич, жуда камбағаллари лоақал битта дастурхон кўтариб боришади.

Бундай гиж-гиж маросимларда албатта калта узилади, узун қисқаради. Камбағалроқ оилалар эса бўйнигача қарзга ботиб, ҳолига маймунлар йиғлайди. (Бироқ бу билан куёв томоннинг иши йўқ, қанча кўп нарса, мол-дунё берса шунча хурсанд бўлади). Шундай бўлсада бироз енгил нафас олиб «ниҳоят бу қизимдан ҳам қутилдим» дейди. Аммо аслида уларнинг бу узатилган қизларидан қутилишларига ҳали анча қовун пишиғи бор.

ҚУТИЛДИМИ ТУТИЛДИМИ?

Йўқ, қиз узатган ҳеч қачон қутилмайди. Аксинча, тағин янги сарф-харажатларга, узат-узатлару чўз-чўзарларга дуч келаверади. Улардан бири қизлари ва куёвларининг туғилган кунларида рўй беради. Туғилган кунда келинчакка ва куёвга камида бош-оёқ сарпо тайёрлаб, яна ноз-неъматлар кўтариб боришади. Кудаларига ҳам баҳоли қудрат сарпо қилишмаса кўнгиллари оғрийди. Ҳай-ҳай асло бундай бўлмасин. Кудачилик минг йилчилик-а? Агар совға камтаронароқ бўлиб қолса куёвхонтўранинг аразлашларини, умид билан бир ёстиққа бош қўйган ўз умр йўлдошини «сенинг ота-онанг туғилган кунимда менга импорт костюм-шим совға қилмади» деган каби маломатлар қилишини, инжиқроқ қайнота-қайноналар бўлса келинини «сиқиб сувини ичиши»ни кўринг. Бундай кўйга тушмаслиги учун шўрлик қиз узатганлар фарзандларининг тили қисқа бўлиб, боши эгилиб қолмаслиги учун бор бисотларини куёвларига инъом этишга ҳам тайёр турадилар.

НАБИРА МУБОРАК!

Табиийки, ой куни етиб келинчак она, куёвбола эса ота (илоҳим ҳаммани ҳам худо шу кунга етказсин) бўлади. Бу хушхабарни эшитиши билан куёвхонтўра қайнота-қайнонаси ҳузурига шошилади. Сабаби, камида битта чопон ва бир қанча пул суюнчи олади-да! Қизнинг шўрлик ота-онаси куёвтўранинг томоғини суюнчи билан мойлаб олгач, энди оғзи қулоғига етган куёвнинг бир оёғи туғруқхонада бўлса керак, дерсиз. Бе, қаёқда, бу ишни ўзини билган дурустларигина қилади, аксариятининг парвойи палак. Невараларию қизларидан хабар олишни қайнота-қайноналарига топширадилару, ўзлари улфатлари билан «янги меҳмон»ни ювишга киришадилар.

Келиннинг ота-онаси туғруқхонага бориб суюнчи тарқатадилар, болаларининг аҳволидан хабар оладилар-да, кудаларининикига «невара муборак»ка шошиладилар. Албатта қуруқ эмас, 2—3 кило ширинлигу нон-пон дегандек...

Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш пайти чинакам байрам. Айниқса куёв ва унинг ота-оналари учун. Негаки, биринчидан, уйларига қувонч олиб набира келади. Иккинчидан, уйларига тағин суюнчию ноз-неъматлар келиб, ўзлари совғалар билан сийланишади. Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш учун чақалоққа кўрпачаю чойшабдан тортиб бошқасигача ҳамма-ҳаммаси кудалар зиммасида. Боз устига улар набиралари билан бирга суюнчи пул, мева-чеваю, нон-патир, ҳатто кийимликлар олиб келишади...

Лекин, келин томонни набирали бўлиш баҳонасида талаш бу билан тугамайди. Чақалоқнинг чилласи чиққач, куёв томондан аёллар ўртача — 5 киши бўлиб, келин томонга «набираларини кўрсатиб олишга» боришади. Буни «чиллагурзон» дейишади. Куда томон уларни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олиб зиёфат қилади. Кетар чоғларида куёвга, келинчакка берилганидек, хонадонларига ташриф буюрган бошқа аёлларнинг ҳаммасига бошдан-оёқ сарпо қўядилар. Аммо куёв томон бу билан қаноатланмайди. Энди навбати билан чақалоқни кўтариб келинларининг бувисию, опасию синглисидан тортиб, хола-аммасигача бир-бир меҳмон бўлиб, суюнчи йиғади. Эй худо, келинларининг ота-онасини талашгани етмайдими уларнинг, наҳотки қариндош-уруғларидан ҳам латта-путтаю, кийим-кечак олишдан ор қилишмаса! Бу қанақа беюзлигу беорлик, деворгинг келади.

Ҳақли савол туғилади: — Бас куёв томонку «набира муборак»ка боришар экан, келин томон шундоққина меҳмон қилиб совға-саломсиз кузатиб қўя қолса бўлмайдими? Афсуски бўлмайди. Негаки бу урф гўё қонунга айланиб қолган. Қани, буни бузиб кўрингчи, фарзанд туғиб берган қизингизнинг бошида нақ ёнғоқ чақилади. Демак, куёв томон набираси баҳона келин томондан оладиганини олиб, йиғадиганини йиғиб олибди, энди бу ёғига ўзларини ўзлари эплар дерсиз. Агар шундай деб ўйлаётган бўлсангиз чучварани хом санабсиз. Бу йиғиб-териб олингани хамир учидан патир, холос. Энг асосийси ҳали олдинда турибди.

БЕШИК ТЎЙИ

Белгиланган куни келин томон бир автобус аёллару, бир юк машинада чақалоққа аталган буюмларни олиб куёвникига боришади. Албатта карнай-сурнайу, ноғора-чилдирмачилар билан! У ерда қўшиқчи санъаткорлар созларини созлаб кутиб олишади. Ўйин-кулгию, базми жамшид узоқ давом этади. Дастурхонга тортилган ноз-неъматлар эса яна келин томондан бўлади, десак кўз билан кўрмаган одамнинг ишониши қийин.

Лекин нима бўлганда ҳам бу ҳақиқат! Бешик тўйидан бир кун илгари келиннинг ота-онаси бир қоп ун, палов учун гуруч, гўшт (агар қўй олиб бориб сўймаса), сабзи, ёғ ва бошқа хом маҳсулотларни олиб бориб ташлаб келади. Тўй куни эса тоғора-тоғора хасип, норин, сомса, хоним, шунингдек, ширинликлару пишириқлар, мева-чевалару патирдан тортиб, оддий нонгача олиб боради. Куда томон эса шу нарсалар билан, уларни ўзлари томондан келган меҳмонларига қўшиб кутиб олади.

Базму зиёфат айни қизиган бир пайтда икки аёл ҳовлининг ўртасига қўйилган кроватга чиқиб олиб, қиз томон келтирган буюмларни кўз-кўз қилади: улар орасида тўрт фаслга мўлжаллаб жиҳозланган бешик (чақалоқ қиз бўлса бешикчаси ҳам), кроват, ётадигану ўтирадиган алоҳида-алоҳида коляскалар, манежлардан (уларнинг ҳаммаси ҳам турли қоплама ва қават-қават тўсқичлар билан тўла жиҳозланиб безатилган бўлади) ташқари ювинтирадиган ваннача, тўсадиган тувакчагача бўлади. Турли ўйинчоқлар махсус намойиш қилинади.

Навбат чақалоқнинг кийим-кечагига келганда, урф-одатни тушунмаган ҳар қандай одамнинг оғзи очилиб, эс-хуши оғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Болани ўрайдиган ёзги-қишки кўрпача, одеяллару қават-қават тагликлар, сўрғичдан тортиб, тагига соладиган клеёнкагача ҳамма-ҳаммаси бўлади. Бугина эмас, чақалоқнинг шу пайтдан бошлаб то ўрта мактабга боргунгача кийиладиган кийимлари... Шунча ёшга етгунча керак бўладиган бундай кийимлар нега керак? Сандиқда туравериб чириб, фасонлари эскириб кетмайдими дейдиган азамат топилмайди.

Бир қариндошимникига келган бешик тўйида ўртадаги аёл келин-куёву кудаларга келтирган бош-оёқ қимматбаҳо кийимликларни кўз-кўз қилиб, кўрсатди. Шу лаҳза менинг кўзим бешик келтирган қизнинг онасига тушиб қолди. Бечоранинг оёғида уй ичида кийиладиган латта пойабзал, совуқ қорда дир-дир титраб турибди. Суриштирсам ўзига тузукроқ кийим олишга қурби етмапти. Аммо бешик тўйига шунча қимматбаҳо нарсаларни қарз-ҳавола қилиб бўлса-да топибди. Э, шартми шунақа қилиб бешик тўйи қилиш, дерсиз! Шарт эмас, лекин урф шундай бўлгач, қилмаса атрофдагилар тинч қўйишадими?

Ногоҳ санъаткорлар бешик тўйи олиб келган келиннинг онаси шаънига миннатдорчилик сўзлари айтишиб бўлгач, унга бағишлаб онани улуғловчи қўшиқни бошлаб юборишди. Ўзгаларга бу қандай туюлди, билмайман, аммо менга совуқда дир-дир титраб турган бечора онанинг борини тантанали равишда талаб олиб, шип-шийдон қилиб, кейин уни калака қилаётгандек туюлди. Эҳ бечора қиз туққан она, наҳотки шунча сарф-харажатга пул топгансану, ўзингга бир пойафзал сотиб олгани қурбинг етмаган бўлса? Эҳ, одамлар бунчалар инсофсиз, бераҳм бўлмасангиз. Шу бечора онанинг келтирган ноз-неъматлари қандай томоғингиздан ўтди, қандай қилиб у келтирган қимматбаҳо совғаларни уялмай-нетмай қабул қилиб олдингиз? Ахир шўрликнинг бечора ҳолига бир боқинг, дегим келаверди менинг.

ҲАЙИТ МАРОСИМИ

Муборак ҳайит куни одатта кўра аёллар янги келинчакларни кўргани боришади. Маҳалла, ишхона, қариндош-уруғдек ҳамма бир-бир ташриф буюриб, келинчакникида меҳмон бўлишади. Келинчак эса уларни келин салом қилиш билан кутиб олади. Келувчиларнинг аксарияти шубҳасиз қиз болалар бўлади. Назаримда, улар ўз сафларидан чиқиб, аёллар қаторига қўшилган дугоналарини бир йўқлаб, ҳолидан хабар олиб, шу билан муборакбод этишади. Бу чиройли удумларимиздан.

Аммо бу маросимнинг ҳам барча сарф-харажати бечора қиз узатганларнинг зиммасига тушиши ажабланарли. Ғат-ғат қилган карнайчию, балога қолган сурнайчи деганларидек, маросим куёвнинг уйидаю, ташвиши келиннинг ота-онаси зиммасида. Ҳайит куни безатиладиган дастурхоннинг ҳамма сарф-харажати уларнинг елкасига юк бўлади. Мева-чевадан тортиб, нону пишириқларгача жўнатишади. Шугина эмас, куёвию қизларига бош-оёқ сарполар ҳам...

СУННАТ ТЎЙИ

Ҳаш-паш дегунча келин-куёвнинг ўғиллари тўйбола бўладиган ёшга етиб (илойим шундай бўлсин) қолади. Демак, тўй қилиш керак. Эр томон бу ишни ҳам жасорат билан бошлаб юбораверади. Негаки сарф-харажатнинг каттагина қисмини яна қиз томонга юклашдан уялишмайди-да! Нега ҳам уялишсин, ахир урфимиз шундай-ку! Бай-бай, келин томоннинг бу тўйга олиб бораётган совға-саломларию сарполари, безатиб олиб борган тойларию куёв томоннинг бундан талтайиб, мақтаниб юришлари... Бу ҳолатни тасвирлашга тил ожизлик қилса танг қоладиган жойи йўқ...

Ҳурматли муштарий! Биз юқорида келинчакнинг биргина фарзандигача бўлган маросимларига тўхталдик. Худо бериб кейинги фарзандларни кўрса уларда ҳам гарчи шунчалик бўлмаса-да, қиз томон ота-оналарининг қилажак сарф-харажатлари анча-мунча.

ҚИССАДАН ҲИССА

Энди дўппини бошдан олиб қўйиб бир ўйлаб кўрайлик. Бировнинг битта, бошқасининг 5—6 та (агар ундан ҳам кўп бўлмаса) қизи бўлса, у бунақа қатор-қатор маросимлару сепу-совғаларга кетадиган сарф-харажатларни (айрим миллионерлар бундан истисно) қаердан топади? Бунинг учун у кунни тунга улаб, умр бўйи қулдек меҳнат қилиши шарт. Бундай шароитда ўз саломатлигию, маданий турмуши, болаларининг ўқишию, тарбияси ҳақида жиддийроқ шуғулланишга имкон топа оладими? Бечораю шўри қурғур ота-онанинг ҳоли не кечади? Бунақада миллатимизнинг тақдири нима бўлади? Наҳотки, урф-одат деб шунақа расм-русумларга кўникиб қолаверсак? Бундоқ кўрпага қараб оёқни узатсак, ортиқча сарф-харажат, маросимлардан воз кечсак бўлмайдими? Тўғри, фарзандларимизни уйли-жойли қилиш, биз ота-оналарнинг бурчимиз. Лекин бунақа қилиб эмас. Куёв ва келиннинг ота-оналари бирлашиб имкон даражасида никоҳ тўйларини ўтказиб, рўзғорлари учун зарур буюмлару, уст-бошларини (30—40 та қилиб эмас) қилиб беришса етарли эмасми? Дарвоқе, юқорида баён қилганимиздек, қиз чиқарган ота-онага бунчалик жабр қилиш инсофсизликнинг нақ ўзгинаси. Шундоқ эмасми, азизлар?

Мурод КАЛОНХОН,
Тошкент шаҳри.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги воқеаларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз ва кузатганмиз, албатта. Бу билан қиз чиқаришдаги урф-одатларимизни бутунлай нолойиқ, уларни ўзгартириш керак, демоқчи эмасмиз. Зеро, томчи сув бутун уммонга таъсир ўтказа олмагандек, бунга қодир ҳам эмасмиз. Лекин айрим бой-бадавлат хонадонларнинг ном чиқаришга қилаётган дабдабали тўйлари таъсирида, урфимиз деб бунга имконияти йўқ одамлар ҳам ўзларини қийнаб қўяётганларидан, айрим молпараст кимсалар эса, «бетимнинг қалини-жонимнинг ҳузури» қабилида иш тутиб «келин томон»ни юзсизларча юлаётганларидан кўпчилик норози эканлигини баён қилдик, холос.

Тўғри, инсофли диёнатли одамларимиз кўп. Улар ҳозирда ҳам келинларини ўз қизларидек кўриб, унинг ота-оналарига энг яқин кишилардек муносабатда бўлмоқдалар. Бундайлар ўтказаётган тўй маросимлар ихчам, камсарф бўлиб, нафақат келин-куёвларнинг, балки ота-оналарию барча иштирокчиларда ширин таассурот қолдирмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда бу соҳада яхши тадбирлар бошланди. Жойлардаги маҳалла оқсоқоллари «Бахт тўйлари» маросимларини ўз назоратларига олиб, ҳар икки томонга ҳам жабр бўлмаслик чораларини кўрмоқдалар. Бироқ, минг афсуски, ҳали қилинажак ишларимиз мўл. Бас шундай экан, ўзаро маслаҳатлашиб «Бахт тўйлари»мизни чинакам бахт келтирадиган бўлишига эришайлик.

Маълум бўлишича, Тошкентда қиз чиқарганга қийин, Хоразм ва Самарқанд томонларда ўғил уйлантириш осон эмас экан. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида-чи?

Ҳўш, нима қилмоқ керак? Қандай қилсак тўйларимиз соз ўтадию, сарф-харажати меъёрида бўлади? Бу соҳадаги катта-кичик маросимларнинг ҳаммасини ўтказиш шартми? Келинглар, биргалашиб ўйлайлик, фикрингиз, маслаҳату тавсияларингизни ўзаро ўртоқлашайлик, иложи бўлса уларни газетамизга ёзиб юбориб, баҳсимизга қўшилсангиз бошимиз осмонга етарди.

1996 йил 8 март тунги соат 24 лар чамаси. Бу вақтда барча қалби пок, кўнгли меҳр-муҳаббатга ошуфта инсонлар онасини, турмуш ўртоғини, севимли ёрини, опа-синглисини байрам билан табриклаб, хуш кайфият билан дам олмоқда.

Баъзи хонадонларда байрам дастурхони ҳали йиғиштирилмаган, унинг атрофида хотин-қизларимиз шаънига илиқ гаплар айтилмоқда.

Фақат битта хонадонда бу пайтда инсоний фазилатларнинг ҳеч бир қиррасига тўғри келмайдиган воқеа содир бўлди. Байрам кечасидаги инсон қўли билан содир этилган бу даҳшатли воқеани қалам ёзишга, тил айтишга, кўз кўриб, юрак бардош беришга ожиз...

9-май — Ғалабанинг 51 йиллиги нишонланаётган кун. Кечки соат 18.30ларда Бекобод туманининг Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Бекобод шаҳрига қарашли ахлатхона атрофида яқингинада байрам дастурхонидан чиқариб ташланган турли ширинлик ва ичкиликлардан бўшаган идишларни йиғиб ўйнаётган болалар салафан пакетга ўраб ташланган нарсани қизиқишиб очиб кўришди-ю, қўрққанларидан ҳар томонга қочиб қолишди.

Наҳотки?!! Ахлатлар орасида аёл кишининг калласи ва иккита қўли ётарди...

Бу даҳшатли жиноий ишни аниқлаш юзасидан вилоят, шаҳар, туман ички ишлари бўлимлари ва прокуратураларининг тажрибали ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилди. Қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунос ва жиноят қидирув ходимларининг тунни кунга улаб, тинимсиз изланишлари, аввал ахлатхонадан топилган аёл калласи ва қўлининг шахси аниқланиши сўнг эса, қотил ўз-ўзидан топилиши мумкинлиги тўғрисидаги режалари калаванинг учини улар кутгандек ечиб берди.

Бекобод телевидениеси орқали содир бўлган воқеа ҳақида қисқача маълумот ва топилган калла, қўллардаги белгилар тасвирлаб берилди. Бундан ким бохабар бўлса маълум қилишлари сўралди. Телевидение хабарларидан сўнг бир неча кун ўтгач, туман прокуратурасига Бекобод шаҳри фуқароси Хосият Ашурматова исмли аёл кириб келиб, қизи Ашурматова Феруза 8 март куни турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб уйдан чиқиб кетганича дом-дараксизлигини ҳамда яқинда телевизорда тасвирланган аёл кишининг калла ва қўлларидаги белгилар қизиникига ўхшашлигини, энг асосийси кўнгли ёмон нарсани сезаётганлигини маълум қилди...

Эй, она! Сенинг кўнглинг, юрагинг нақадар сезгир! Фарзандинг ер куррасининг нариги четида юриб қўлига зирапча кирса ҳам юрагинг сезиб, безовта бўлади! Унга нима бўлса ҳатто тушингда аён бўлади! Сенинг юрагинг ҳеч қачон бежиз безовта бўлмайди!!!

...Ахлатхонадан топилган аёл калласининг шахси, сўнг эса, бу жиноий ишга қўл урган қотил аниқланди. Ҳаётдан бевақт кўз юмган, номаълум шахс Бекобод шаҳар 13-даҳа, 76-уй, 35-хонадонда яшовчи, 1974 йилда туғилган Феруза Ашурматова экан. Унинг қотили ўзининг умид билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғи Жуманазар Оқжигитов бўлиб чиқди.

Нима сабабдан Жуманазар ўз ёстиқдошининг жонига қасд қилди? Ферузани ваҳшийларча ўлдиришга нима мажбур қилди?

Шу ўринда «Ферузадан эри чидай олмайдиган даражада бирор гап ўтгандир-да?» деган савол туғилиши табиий.

Нима бўлганда ҳам бундай ваҳшийликни онгимиз ҳазм қила олармикин? Ферузадан нима ўтганда ҳам уни



ўлдиришдан бошқа чоралар ҳам мумкин-ку!

Беўрин рашк, ичкилик, шайтон васвасасига учиш Жуманазарни ваҳшийликка ундади. Оқибатда Ж. Оқжигитов кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қотилликни содир этди...

Жуманазар Оқжигитов 1966 йилда Бекобод тумани Навоий жамоа хўжалигининг 1-участкасида туғилган. У вояга етгач ё жамиятга, ё оиласига фойдаси тегадиган бирор иш билан шуғулланишга бўйни ёр бермади. Ўзи учун кун ўтса бўлди қабилида такасалтанглик билан ҳаёт кечиришни афзал кўрди. Енгил елпи ҳаёт кечириш одати уни икки марта «ўтириб чиқиш»га мажбур қилди. Жуманазар 1995 йил иккинчи жазо муддатини ўтаб келгач, шу йили Феруза Ашурматовага (тўй қилиб) уйланди. Жуманазарнинг паспорти йўқлиги учун никоҳсиз оила қурилди. (Бу билан ҳеч ким қизиқмаган).Никоҳсиз турмуш афсуски узоққа чўзилмади.

Эр ўта рашкчи эди. Хотинидан гумонсираб юрарди. 1996 йил 8 мартдан 9 мартга ўтар кечаси хотини билан гаплашиб ўтириб, хотинини байрам билан табриклаб (совға бермасада) яхши гап билан сийлаш ўрнига «сен нима учун дугонанг Розаникида бегона эркаклар билан ўтирдинг» деб жанжал чиқарди, ҳақорат қилди.

Феруза эрининг мастлиги учун гапни чўзгиси келмади ва эртага ўзига келса тушунтираман деб ўйлаб, гўё шу билан жанжалга барҳам бергандек, эътиборсизлик билан чўмилиш учун ваннахонага кириб кетди...

Эҳ, Феруза! Нима учун ташқарига чиқиб кетмадинг-а?!

Жуманазар жаҳл билан ўрнидан туриб балкондан болтани олди-ю, ваннахонага кириб, эндигина ювиниш учун ечинаётган хотинининг бошига болта билан урди.

Кутилмаган зарбадан Феруза ерга қулади. Бошидан қон отилиб чиқди. Ваҳший ҳайвон қонни кўрса қутириши табиий. Жуманазар хотинини ўлганига ишонч ҳосил қилгач, ўликни яширишга осон бўлсин учун, Ферузани бўлакка бўлиб ташлади, жиноятни яшириш мақсадида тана аъзоларини ахлатхонага, ўзи яшаб турган уйнинг ертўласига кўмиб қўйди. Ўзича бу ишлари билан жиноятни яширган Ж. Оқжигитов қингир ишни қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинишини унутган эди. Қотил ўз қилмишини қанчалик пухталик билан яширмасин, қийиғи 40 кунга ҳам қолмай ошкор бўлди. Ушбу жиноят иши Тошкент вилояти суди жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати аъзоси Абдумавлон Шодмонов раислигида кўриб чиқилди.

Қотил олий жазо — ўлимга маҳкум этилди. Рашк, ана шундай ақл бовар қилмас фожиага олиб келди.

Табиатан йиртқич ҳайвондан ҳайвон, паррандадан парранда, бургутдан бургут туғилади. Инсондан инсон. Бироқ ҳаётда баъзи инсонларнинг чидаб бўлмас даражадаги қилмишларини кўриб, инсондан ҳаммаси туғилиши мумкин эканда, деб афсусланасан киши.

Баъзан ҳаётимизда учраб турадиган юқоридагидек ноҳушликларни сабабчилари ҳаётда инсон бўлиб туғилган бўлса-да, қилган ишларига уни қилиши мумкин бўлган йиртқич ҳам ожизлик қилади. Дарҳақиқат жиноят изи топилиб жиноятчи қилмишига яраша жазосини олди. Умр деб аталмиш олий неъматдан икки инсоннинг бевақт ризқи узилди.

Хуллас, байрам кечасидаги қотилликни олдини олиш мумкинмиди? Икки ёш — бири эрининг инсоний қиёфасини йўқотишининг қурбони, иккинчиси қилмиши учун қонун қурбони бўлиб эрта кўз юммаслиги мумкинмиди? Улардан қандай из қолди? Бу саволларга муштарийлардан жавоб кутамиз.

Шоир айтганидек, «Қолдириб қолдирмай из бу ҳаётда, умр ўтмоқдадур дарё мисоли». Бу қисқа фурсатли ҳаётда ҳар ким экканини ўради.

Ф. ЗУФАРОВ,
Бекобод тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.
Ш. АЛИМАТОВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Андижон вилоятининг Бўз тумани ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳуқуқшунослари аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб, ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Бу ўз ўрнида туманда жиноятчиликни олдини олишда самара бермоқда.

СУРАТДА: туман прокурори Ш. Отажонов тиббиёт билим юрти ўқитувчи ва ўқувчилари билан суҳбатда.

•Шу сонга хабар

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Яқинда Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек қишлоғида жойлашган лицей узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар билан гавжум бўлди.

Лицей директори Муҳаммад Соғлом анжуман иштирокчиларини қутлаб, Ўзбекистоннинг кўҳна замини кўплаб улуғларга бешик бўлганини, буюк соҳибқирон ҳомийлик қилган юксак маданият туркий халқлар ғурурини осмон қилиб, умумжаҳон хазинасини беқиёс ганжиналар билан бойитгани ҳақида тўлқинланиб гапирди. Лицей толиблари улуғ аждодимиз шаънига бағишлаб ёзган ўз шеърий машқларидан намуналар ўқиб бердилар.

Ғоятда мароқли ўтган кечада Моварооуннаҳр мусулмонларининг идораси ҳайъати раиси, муфтий Мухторжон Ҳожи Абдуллаев ҳазратлари иштирок этиб, Амир Темурнинг ислом дини тараққиётида тутган ўрни ҳақида маъруза қилдилар.

(Ўз мухбиримиз).

•Гиёҳвандлик — хавфли оғу

«ҚОРАДОРИ» ОПЕРАЦИЯСИ

Бугунги кунда бутун дунё жамоатчилиги назарида турган гиёҳвандлик, унинг савдоси ва тарқалишига қарши кураш асримизнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Жаҳоннинг барча давлатларида инсон ҳаёти ва саломатлигига зомин бўлувчи бу чиркин иллатга қарши кураш олиб борилади.

Гиёҳвандлик ижтимоий ҳаётимизнинг равнақига тўсиқ бўлиб, жамиятнинг илдизига болта урувчи хавфли оғу. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва унинг савдосига қарши кураш бугунги кунда ҳуқуқ ва назорат органлари олдида турган энг муҳим масалалардан бири десак муболаға бўлмайди. Бу хавфли иллатга қарши ҳуқуқ ва назорат органлари уюшган ҳолда иш олиб борсагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Тошкент шаҳар Божхона хизмати ходимлари шуни назарда тутган ҳолда доимий равишда гиёҳвандлик моддаларини олиб юриш ва тарқатишга қарши ҳуқуқ ва назорат органлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Ҳар йили ИИВ ходимлари билан биргаликда «ҚОРАДОРИ» тадбири ўтказилиб, гиёҳвандлик моддалари бўйича кўплаб ҳолатлар аниқланмоқда. Мисолларга мурожаат қилсак: фақат ўтган октябрь ойида гиёҳвандлик моддаларини олиб юриш бўйича унга яқин ҳолатлар аниқланди. Масалан, 1996 йил 2 октябрь куни ИИВ ходимлари билан ҳамкорликда «ҚОРАДОРИ — 96» тадбирини ўтказиш пайтида Тошкент «Шимолий» темир йўл вокзалида М. Б. исмли шахснинг кийимлари орасида 201 грамм марихуанна гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Шу куни «Шимолий» темир йўл вокзалида «Тошкент — Москва» поезди йўловчиларини божхона назоратидан ўтказиш пайтида З. Ю. исмли шахснинг ҳам юклари орасидан 180 грамм гиёҳвандлик моддаси топилди. 22 октябрда «Тошкент» аэропортида «Тошкент — Екатеринбург» самолёти йўловчиларини божхона назоратидан ўтказиш пайтида Ш. В. исмли шахснинг ички чўнтагидаги 20 граммдан ортиқ марихуанна гиёҳвандлик моддаси назоратчилар эътиборидан четда қолмади. 1996 йил 24 октябрь куни Тошкент «Шимолий» темир йўл вокзалида «Тошкент — Москва» поезди йўловчиларини божхона назоратидан ўтказиш пайтида М. Р. исмли Ўзбекистон фуқаросининг юклари орасидан 20 граммга яқин марихуанна чиқди.

Шундай қилиб, 1996 йилнинг 10 ойи мобайнида гиёҳвандлик моддаларини олиб юриш бўйича 66 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан жами 11 кг 822,2 грамм гиёҳвандлик моддалари тортиб олинди.

Камолиддин УМАРОВ.

Ойнаи жаҳонда

2—8 декабрь

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Саҳна юлдузининг мунаввар ёғдуси». Фильм-концерт.
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир ўлка ки...».
10.30 «Оқ кема». Бадиий фильм.
12.05 «Жаннат оналар оёғи остидадур...».
12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон терма жамоаси I — Ўзбекистон терма жамоаси II.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.45 «Мозийдан садо».
19.05 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Истеъдод».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт.
18.25 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси 19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Қорачингил». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.45 «Мультикарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Кечки сеанс. «Қўш хотин». Бадиий фильм (Ҳиндистон).
21.05 «Спорт-тайм».
21.35 Эълонлар.
21.40 «М»-хабар.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Автосафар».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Шлягер».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Халқаро ногиронлар кунига. «Меҳр чечаклари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 Диққат, премьера: «Меҳригиё». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
12.30 «Фазилат». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Қизиқарли учрашувлар». Меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. 1. «Табиатшунослар клуби». 2. «Лазиз».
18.35 «Ботма, қуёш!». Публицистик кўрсатув.
18.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Соҳибқирон юртида». Ҳужжатли фильм.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Матонат».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Замон».
21.50 «Юртим жамоли».
22.00 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
22.40 «Оқ йўл ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 1-тайм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оқ йўл ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 2-тайм.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 «Спорт қитъаси».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.05 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.20 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 2-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
***
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси 22.55—23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Сирдошим».
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 «ТВ IVда «Немис тулкини».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 Эълонлар.
23.05 «Жиллет-спорт».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббат ихтиёр эт». Ака-ука Амирқуловлар.
8.50 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Кимё.
*
12.00 «Халқ ардоғида». Кинодастур.
12.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.45 ЎзТВ хазинасидан. Туроб Тўла. «Нодирабегим». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқа театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қочоқ велосипед». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битгадир...»
18.25 «Назар». Исроил қишлоқ хўжалиги.
18.40 «Табаррук қадамжолар». Нуротадаги Шоҳимардон ота мажмуаси.
19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.15 «Автоолам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дилнавоз садолар». Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Жанубий Корея терма командалари.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Индонезия — Қувайт терма командалари.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.30 «Дриблинг».
23.55— 00.25 «Дойче Велле» намойиш этади...

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хотирамиз шаршаралари», «Боғимизга марҳамат». Телефильмлар.
18.20 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 3-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
***
19.00—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари йўл».
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Бизнес мерос».
19.30 «Кафолат».
20.00 «Бу ажиб дунё».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Мезон».
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.25 «Сиз учун куйлайман». Умар Маҳкамбоев.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Бугунги Словакия».
22.10 «Ўзликни таниш». Аёл ва жамият.
22.40 «Ҳамдўстлик».
23.15 Эълонлар.
23.20 «Гулдаста».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қизлар гулдастаси».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури». Телеочерк.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 География.
*
12.00 «Олимпиада ўринбосарлари тайёрлаш мактаби — 35 ёшда».
12.30 Лирик концерт.
12.55 ЎзТВ хазинасидан. Туроб Тўла. «Нодирабегим». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқа театрининг спектакли. 2-қисм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Омонлик тилаймиз».
18.20 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.40 «Билиб қўйган яхши».
18.50 «Одамлар орасида».
19.05 «Катта танаффус».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Таиланд терма командалари. 2-тайм.
22.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.25 «Тоғлар таронаси». Мусиқий дастур.
22.45 «Одобнома».
23.05 «Кино ва адабиёт».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. Эрон — Ироқ терма командалари.
01.25 Тунги тароналар.
01.35—01.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
9.30 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 Оҳанглар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40—00.20 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 4-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
***
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
19.40 Эълонлар.
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.35 «Каталог».
20.50 «02» тўлқинида.
21.05 «Интер-спорт».
21.15 «Эхолот-коктейль».
21.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.15 «Компьютер-ревю».
22.40 «Эллада».
23.10 «Сўнгги оқ маймун». Телефильм (Япония).
23.40 Эълонлар.
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Кекса санъаткорлар.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат ғунчалари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
13.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Япония — Сурия терма командалари.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. ХХР — Ўзбекистон терма командалари.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.10 «Мульти-пульти».
9.30 Дилором наволар.
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Таманно».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ракурс».
21.20 Хит-парад ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.30—00.10 «Сиздан ишорат».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Серафима ороли». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
***
19.15—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ассалом, мусиқа». Мусиқали кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Келинг, бир кулишайлик». «Уч тентак ҳангомаси». Бадиий фильм («Коламбия пикчерс», АҚШ). 1-серия.
20.40 «Коинот».
21.10 «Мусиқий меҳмонхона».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Уй остонадан бошланади».
22.15 Араб эстрадаси.
23.15 «КВН-ассорти».
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Машрабни эслаб».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.30 «Халқ ижодиёти».
10.55 «Талабалар саҳнасида».
11.45 «Қувноқ стартлар».
12.30 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
13.55—14.25 Эстрада тароналари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ғалла-96». Фильм-клип.
18.05 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Янги авлод танлайди».
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Қувайт терма командалари.
22.50 «Устоз санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.20 «Куй ва тасвир».
23.35 Имкон чўққилари.
23.45 «Азиз Маҳмуд йўли». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жанобий Хилл ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.10 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
23.45—23.55 «Алмисоқдан қолган дўкон».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.25—21.35
*
21.35 «Матсалу қўриқхонаси». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00—00.10
*
00.10—00.20 «Зардўзлар». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Комедиантлар».
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.10 «Ажойиб Париж». «Ассалом, Франция!» дастурига илова.
11.40 Эълонлар.
11.45 «Инсон». Халқаро ногиронлар кунига.
12.15 «Чинсэн».
12.45—14.05 Кинонинг олтин асри. «Уч эркак ва беланчакдаги чақалоқ». Бадиий фильм.
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзим учун».
20.40 Эълонлар.
20.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 1-серия.
21.45 «Раққослар қанотида».
22.15 «Комедиантлар».
22.35 «Жиллет-спорт».
23.05 «Хит-коллекция».
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мен нечун севмам Ўзбекистонни». Мусиқий композиция.
11.30 «Соғлом жон — полвон жон».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.30 «Бахтимиз қомуси». Адабий кўрсатув.
12.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 19-қуй.
14.00 Футбол. Осиё кубоги-96. Жанубий Корея — Индонезия терма командалари. 2-тайм.
14.45—15.45 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
* * *
17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.40 «Тошкент лавҳалари». Фильм-клип.
17.45 Болалар учун концерт.
17.55 «Озодлик». Видеофильм.
18.25 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Шахс ва баҳс».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Ироқ терма командалари.
23.00 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-қуй.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Ҳафтанома».
00.15 Эълонлар.
00.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Таиланд — Эрон терма командалари.
01.10 Тунги тароналар.
01.20—01.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Жозиба».
10.35 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25—13.00 Видео — «О».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 1-қисм. «Муқаддима».
18.25 «Боланинг тили...»
18.35 «Мульти-пульти».
18.50 «Таманно».
19.00 «Дармон».
19.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 2-қисм. «Машаққатли йўл оша...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Мулоҳаза учун мавзу». А. Очиловнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 3-қисм. «Шиддат».
21.20 Видео янгиликлари.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
24.00 Дастур ниҳояси.

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.15—23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 Мусиқий Олимп.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Гаронибботлар цирки». Бадиий фильм.
15.35 «Иштирок этувчилар».
16.25 «Сенинг вақтинг».
16.55 «Дипкурьер».
17.10 «Телеташриф».
17.25 Эълонлар.
17.30 «Нуқтаи назар». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига.
17.50 Мультэкран.
*
18.10—19.45 Туркия телевидениеси.
*
19.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
20.00 «Мультикарусель».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.05 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.20 Кинопрофи. «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.50 Киносалон. «Фрэнсис». Бадиий фильм (АҚШ).
24.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
00.30 Эълонлар.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

Мунажжимлар башорат қилади

(2 — 8 декабрь)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)

Бу ҳафтада пулингиз кўпайса-да, сиз учун анча ноҳушлик келтирадиган воқеаларга таъсир кўрсата олмайди. Бу кунларда кўпдан кўп низоларга борасиз, ҳамкасблар билан хафалашиб қолишингиз мумкин. Устига устак ҳафта охирида алдовга ҳам учрасиз. Сабр-тоқатли бўлинг.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Ҳаддан ташқари кўп хабарлар эшитасиз. Дов-дираб қолманг. Бу ҳафта асабий зўриқишларга тўла бўлади. Муаммоларингиз ечими қийин кечади. Ҳордиқ кунлари соғлиғингизга эътибор қаратинг. Сизга ҳам бардош тилаймиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Ҳафта бошида манфаатли мулоқотларда бўласиз, сармоянгиз кўпаяди. Шундан сўнг кунлар бирмунча осойишта ўтади. Ҳафта охирида эса имкониятингизга қараб у-бу нарса сотиб олишингиз мумкин. Омадингизни берсин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Бу ҳафта бошида ишингиз кўпаяди. Сешанба ва чоршанба кунлари катта бир ишни аъло сифат билан бажарасиз ва бундан ўзингиз ҳам ҳайратда қоласиз. Аммо соғлиғингиз чатоқлашади. Ҳордиқ кунлари бекордан-бекорга асабийлашишингиз ҳам мумкин.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Мақсад сари интилишингиз кучли. Чоршанба, пайшанба кунлари киришган ишларингизни кўнгилдагидек битказасиз. Дам олиш кунларингиз шодон кайфиятда ўтади. Жонингизни жабборга бериб ишлаганингиз учун энг яхши мукофот шу бўлади.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Душанба куни юз берадиган кичик ноҳушликлар сизни ташвишга қўя олмайди. Сешанба ва жума кунлари ажойиб дипломатик қобилиятингизни намойиш қиласиз. Тўғри, пайшанба куни сизни алдашлари мумкин. Якшанба эса энг яхши кун.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Сиз учун иш ва ташвишлар ҳафтаси. Улар учун мукофотни сешанба ва чоршанбада оласиз. Дам олиш кунлари ҳам ишлашингиз эҳтимоли бор. Шунинг учун меҳнат қобилиятингизни меъёрида сақлашга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Душанбада кичик омадсизликлар кайфиятингизни тушириши мумкин. Пайшанбада бошлиғингиз билан узоқ ва оғир суҳбат кутмоқда. Аммо суҳбат сиз учун фойдали бўлиши мумкин. Чунки жума куни молиявий тадбирни муваффақиятли амалга оширасиз.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Бу ҳафтада бошингизни ишдан кўтармайсиз. Сешанбадан жумагача зарбдорларча ва анча тартибли ишлайсиз. Ҳафта охирида эшитадиган жуда кўплаб хабарлар орасида кайфиятингизни бузадиганлари ҳам бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Ҳафтанинг илк куниёқ руҳий тушкунлик гирдобида қоласиз. Ундан қутулишнинг иложини топиш сиз учун мушкул. Яхшиси, бардошли бўлиб, жиддий синовдан ўтиш учун тайёр туринг.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Хотиржам бўлинг — сиз учун осойишта ҳафта келди. Душанбада ижодий ва ҳиссий юксалишга эришасиз. Сешанбада хушхабар кутинг. Пайшанба даромад келтиради. Хуллас, бу ҳафта сизнинг яхши кунларингиз даракчисидир.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Ҳаёт сиздан совуққон ва чидамли бўлишингиз-ни талаб этади. Айниқса, ҳафтанинг иккинчи ярмида ишхонада ҳам, уйда ҳам хоҳиш-иродангизга қарши борувчилар бўлади. Сезиларли ютуқларга, афсуски, эриша олмайсиз.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди 21.00.   1 2 3 4 5 6